

“Хорижда тажриба оширсак, ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб қайтар эдик”

4-с.

Миллиард сўмлик қурилишлар сифати ва назорати қандай бўлиши керак?

6-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
4 НОЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№89
(2417)

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ТЎЙ ЎТКАЗИШДАН МАҚСАД ЭЛНИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРИШМИ?

Инсон ҳаётидаги энг қувончли кунлардан бири — фарзандининг тўйига гувоҳ бўлиш, оиласидаги шодиёнани яқинлари билан баҳам кўриш. Аммо баъзан яхши ният билан бошланган ҳаракат ортиқча дабдаба, кимўзарга сарф-харажат қилиш ва эл олдида обрў орттириш истагига айланиб кетади.

Аслида, тўйнинг қадри дастурхоннинг тўкинлиги, меҳмонлар сони ёки сарфланган маблағ билан ўлчанмайди. Ундаги самимият, оилалар ўртасидаги меҳр-оқибат, ёшларга бериладиган дуо ва эзгу тилаклар муҳим. Шу маънода, тўйлар, оилавий тантаналар ва маросимларни тартибга солиш масаласи фақат ортиқча харажатларни камайтириш эмас, жамиятда соғлом муносабатлар ва масъулиятли турмуш тарзини қарор топтириш билан ҳам боғлиқ.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам ана шу масалалар — тўй ва маросимларни тартибга солиш, гиёҳвандликнинг олдини олиш, соғлом оила ва хавфсиз маҳалла муҳитини шакллантиришга эътибор қаратилди.

Давоми 2-саҳифада.

ПРЕЗИДЕНТ МАҲАЛЛАГА КЕЛГАНДА...



БУХОРОДА БУНЁДКОРЛИК ШУКУҲИ, ТАРАҚҚИЁТ НАФАСИ КЕЗИБ ЮРИБДИ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 3 НОЯБРЬ КУНИ БУХОРО ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Баъзи ташрифлар борки, у шунчаки бир ҳудуд билан танишиш эмас, балки одамлар қалбига умид, ишонч ва эртанги кунга дахлдорлик туйғусини олиб киради. Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига бу галги ташрифи ҳам ана шундай эзгу мақсадлар, улкан режалар ва янги тараққиёт вазифалари билан аҳамиятли бўлмоқда.

Дарҳақиқат, буюк алломалар, азиз авлиёлар ва бунёдкор аждодлар юрти бўлган қадим Бухорода Президент ташрифи доимо алоҳида ҳаяжон ва катта умид билан кутилади. Зеро, ҳар бир ташриф ортида янги лойиҳалар, обод маҳаллалар, замонавий инфратузилма, янги иш ўринлари ва энг муҳими, инсонлар ҳаётида сезиладиган ижобий ўзгаришлар мужассам.

Бугун бу ҳудудда тарих ва замонавийлик, миллий қадриятлар ва инновациялар, бунёдкорлик ва тадбиркорлик бир-бири билан уйғунлашиб, вилоятнинг янги тараққиёт қиёфасини шакллантирмоқда.

Давлатимиз раҳбари икки кунлик ташрифи давомида тарихий меросни асраш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги истиқболли лойиҳалар билан танишади. Янги объектларни ишга тушириш, йирик инвестиция лойиҳаларига старт бериш ҳамда вилоятни комплекс ривожлантириш масалаларини муҳокама қилади.

Давоми 2-саҳифада.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Намуналимиз, бироқ натижага тўсиқ бўлган омиллар ҳам бор

Маҳалламиз тоғли ҳудудда жойлашган. Бу ерда яшашнинг ўз тартиби, меҳнатнинг ўз машаққати бор. Ернинг рельефи, сув манбаларининг чеклангани, айрим хонадонларнинг тоғ ён бағрида жойлашгани кундалик турмушда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бироқ бу шароит одамларнинг меҳнатсеварлиги, ерга ва чорвага бўлган муносабатини ўзгартирмаган.

Бугун маҳалламиздаги 614 та хонадон чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланади. Назаримда, тоғли қишлоқларда иқтисодий ривожланиш ҳақида гапирганда, аввало, мавжуд имкониятларга тўғри баҳо бериш керак. Ҳар бир ҳудудда йирик корхона қуриш ёки катта ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконияти бўлмаслиги мумкин. Аммо чорвачилик, паррандачилик, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш, хонадонларда кичик ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали ҳам аҳоли даромадини ошириш мумкин.



Маҳалламизда амалга оширилган учта микролойиҳа бу борадаги дастлабки қадамлардир. Бу лойиҳаларни катта ишлаб чиқариш корхоналари билан таққослаб бўлмайди. Лекин уларнинг аҳамияти бошқа нарсада: одам ўз уйида, ўзи яшаб турган ҳудудда даромад топиш имкониятига эга бўлмоқда. Айниқса, оилавий тадбиркорликнинг бундай шакллари аёллар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Давоми 2-саҳифада.

ЖАРАЁН

МИГРАЦИЯ БЕВОСИТА МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИДА РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ

“Хорижга иш маҳалладан” тамойили асосида эндиликда чет элдаги ҳар бир иш ўрни бўйича мутахассисга қўйиладиган талаб, зарур тил ва ўқиш имкониятлари ҳақидаги маълумот маҳаллагача етказилади.



Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2 ноябрь куни ўтказилган меҳнат миграцияси ҳамда хорижда ишлаш истагидаги аҳолини тил ва касбларга мақсадли ўқитиш масалаларига бағишланган йиғилишда қайд этилди.

“Маҳалла еттилиги” чет элда ишлаш истагидаги фуқароларни **“Онлайн маҳалла”** платформасига киритади. Ҳокимлар ва масъул ташкилотлар уларнинг касб ва тилга тайёрланиши ҳамда ишга жойлашишига жавоб беради. Вилоят ҳокимлари ҳар ойда бир марта, туман ҳокимлари икки марта **“еттилик” иштирокида** жараён натижаларини кўриб чиқади. Ҳар бир номзоднинг тайёргарлиги ва ишга жойлашиши бўйича талабчан назорат ўрнатилади.

Эндиликда хорижда қийин вазиятга тушиб қолган фуқаролар **“Онлайн маҳалла”** платформасида хабар қолдириши мумкин. Зарур ҳолларда элчининг ўзи унинг муаммоси билан шуғулланади. Ҳокимлар эса хорижда ишлаётганларнинг оилалари, ота-оналари ва фарзандларини қўллаб-қувватлайди.

Йиғилишда меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларнинг бандлиги масаласи ҳам кўриб чиқилди. Йил бошидан буён 1 миллион 116 минг киши қайтган. Уларнинг орасида хорижда саноат, қурилиш, логистика ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тажриба орттирган мутахассислар бор. Уларнинг ишлаган жойи, касби ва стажи акс этадиган платформа яратилади. Йил якунигача уларнинг 250 минг нафарига мос иш топиш, тадбиркорлик қилишни истаганларга кўмаклашиш вазифаси белгиланди.

Президент Матбуот хизмати ахборoти асосида тайёрланди.

6

ФОЛБИНЛИК: ИНСОН ТАҚДИРИ БИЛАН САВДОЛАШИШГА КИМ ЧЕГАРА ҚЎЯДИ?



7



“ҚАЙИН” ВА “ҚУДА-АНДА” ҚАНДАЙ ТУШУНИЛАДИ?



ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ “СОВУРБУЛОҚ” МАҲАЛЛАСИДА ҳашар йўли билан замонавий маҳалла биноси барпо этилди.



ПАХТАЧИ ТУМАНИДАГИ “ДАБУСҚАЛЪА” МАҲАЛЛАСИ биносида 350 та китобдан иборат кутубхона ташкил қилинди.



УРГАНЧ ШАҲРИДАГИ “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” АЪЗОЛАРИ иштирокида оилаларни мустаҳкамлаш мавзусида очиқ мулоқот ўтказилди.

ПРЕЗИДЕНТ МАҲАЛЛАГА КЕЛГАНДА...

БУХОРОДА БУНЁДКОРЛИК ШУКУҲИ, ТАРАҚҚИЁТ НАФАСИ КЕЗИБ ЮРИБДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МАЪНАВИЙ МЕРОСГА ЭҲТИРОМ

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига ташрифини **Когон туманидаги “Чолоки” маҳалласи ҳудудида жойлашган Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси** зиёратидан бошлади. Албатта, бундай эзгу қадамнинг чуқур маънавий мазмуни бор. Зеро, Бухоро — нафақат қадимий шаҳар, балки асрлар давомида ислом маърифати, илм-фан, маънавият ва тасаввуф тараққиётига улкан ҳисса қўшган муқаддас замин.

Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд XIV асрда яшаб ўтган буюк аллома, тасаввуфдаги нақшбандия тариқатининг асосчисидир. Унинг мақбараси атрофида асрлар давомида шаклланган меъморий мажмуа бугун ҳам ислом оламидаги энг эъзозли зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади.

*— Ҳаммадан ҳам биз, чолокилар энг бахтли инсонларимиз: маҳалламизда Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси жойлашган, **— дейди Когон туманидаги “Чолоки” маҳалласи раиси Нозима Файзиева.** — Сўнгги йилларда мажмуанинг тарихий қиёфасини асраш ва зиёратчиларга қулайлик яратиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. XV аср чизмалари асосида “Дониёлбий оталиқ” мадрасаси ва “Тоқи миёна” дарвозаси таъмирланди, музей экспозицияси ҳамда илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Қувонарлиси, Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаси “Ипак йўли: Зарафшон — Қорақум коридори” таркибида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.*

Ҳозирда кунига ўртача 15 мингга яқин киши зиёратга келмоқда. Мавжуд имконият ва талабдан келиб чиқиб, маҳалламизни хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасига ихтисослаштирганмиз. Алоҳида туризм кўчаси ташкил этилган. Бу ерда ўттизга яқин оилавий меҳмон уйлари, юздан зиёд ҳунармандчилик ва савдо марказлари фаолият юритмоқда. Уларда уч юздан ортиқ фуқаро доимий иш билан банд. Энг қувонарлиси, маҳалламизда ишсиз одам йўқ, ҳар бир оила ўзининг доимий даромад манбаига эга. Бу — тарихий меросни асраш билан бирга, уни аҳоли фаровонлиги ва иқтисодий тараққиёт омилига айлантиришнинг ёрқин намунасидир.

Президентимиз Бухоро асрлар давомида ислом тараққиётида муҳим ўрин тутиб келганини таъкидлади. Бу бой маънавий меросни чуқур ўрганиш ва ундан ёшлар тарбиясида самарали фойдаланиш, уларни илм-маърифатга ундаш зарурлигини қайд этди.



БУХОРО — ЖАҲОН ТУРИЗМИНИНГ ЯНГИ МАНЗИЛИ

Бухоронинг ҳар бир кўчаси, ҳар бир меъморий обидаси ўз тарихига, ўз ҳикоясига эга. Бу заминни кўриш, унинг бетакрор муҳитини ҳис қилиш учун дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар келмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар сони изчил ортиб бормоқда. 2025 йилда бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан қарийб олти баробар, туризм хизматлари экспорти эса ўн бир карра ошди. Биргина **Бухоро шаҳридаги Хўжа Гунжарий номидаги маҳаллада** жойлашган Қўшмадраса ансамблига йилига 1 миллион сайёҳ ташриф буюрмоқда.

Абдуллахон мадрасаси XVI аср ўзбек меъморчилигининг нодир намуналаридан бири бўлиб, 1588-1590 йилларда Бухоро хонлигининг Шайбонийлар сулоласи вакили, буюк саркарда ва давлат арбоби Абдуллахон II томонидан бунёд этилган. Мадраса режаси ва ички тузилиши мураккаб муҳандислик ечимлари билан анъанавий Бухоро мадрасаларидан ажралиб туради. Унинг бош кириш қисми кўк рангли кошинлар ва сирли нақшлардан ишланган геометрик мозаикалар билан безатилган.

*— XVI асрда мадраса Мовароуннаҳрнинг энг йирик ва нуфузли олий таълим ва илм-фан марказларидан бири бўлган, **— дейди Бухоро шаҳридаги Хўжа Гунжарий номидаги маҳалла раиси Маҳбуба Саидова.** — Бу ерда талабаларга диний ва дунёвий фанлардан сабоқ берилган. Хусусан, Қуръон, тафсир, ҳадис, фиқҳ, ақоид билан бир қаторда араб тили ва адабиёти, мантиқ, фалсафа, математика, геометрия, тиббиёт фанлари чуқур ўқитилган. Ансамблнинг жанубий қисмида 1566-1567 йилларда Абдуллахон II томонидан ўз онаси шарафига бунёд этилган Модарихон мадрасаси жойлашган. Мадрасалар бир-бирига қарама-қарши, бир ўқ чизигида қурилган.*

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида ансамблнинг бугунги ҳолати ва уни реставрация қилиш режаси тақдимоти билан танишди. Президентимиз сайёҳлар учун янада қулай шароитлар яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

МАҲАЛЛАЛАРГА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН НАФАСИ КИРИБ БОРЯПТИ

Бугун Бухоро вилоятининг қайси тумани ёки маҳалласига борманг, бунёдкорлик, ободонлаштириш ва янгиланиш жараёнларига гувоҳ бўласиз. Кўчалар равонлашиб, ҳудудлар обод бўлмоқда, ижтимоий объектлар таъмирланиб, янги хизмат кўрсатиш масканлари ишга туширилмоқда.

Энг муҳими, бу ўзгаришлар фақат ташқи кўринишни янгилаш билан чекланмаяпти. Улар одамларнинг кундалик ҳаётига, оилалар даромадига, фарзандлар келажагига ва маҳалланинг иқтисодий салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Жорий йилда вилоятда 5 та туман ва 71 та маҳаллани ривожлантириш учун жами 593 миллиард сўм маблағ ажратилди. Жумладан, **“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”** сифатида танланган 35 та маҳаллага 175 миллиард сўм йўналтирилди.

Ислоҳотлар штаби билан ҳамкорликда ҳар бир туман ва маҳалла учун **“Тараққиёт ва етакчилик маскани”** дастурлари ишлаб чиқилди. Маблағлар аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш ва тадбиркорлик муҳитини кенгайтиришга йўналтирилмоқда.

Бу ердаги энг муҳим жиҳат — ҳар бир маҳалланинг ўзига хос имконияти, мавжуд муаммолари ва аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб иш олиб борилаётганидир. Биргина **Бухоро туманидаги “Боғидашт” маҳалласида** 45 гектар майдонда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида 7 минг 500 та хонадондан иборат 111 та кўп квартирали уй қурилмоқда.

Дастурлар доирасида 356 километр йўлни асфальтлаш, 7 та кўприк қуриш, 91 километр электр тармоғи тортиш, юзлаб трансформаторлар ўрнатиш белгиланган. Шунингдек, 7,2 километр ичимлик сув тармоғи, 82,7 километр канал ва ариқлар барпо этиш, 34,8 километр пиёдалар йўлаги қуриш белгиланган. Таълим, спорт, тиббиёт ва бошқа ижтимоий объектларда ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилмоқда.

Мисол учун, **Олот туманидаги “Жайхунобод” маҳалласида** “Аму-Қоракўл” каналининг 0,5 километрлик қисмида замонавий дам олиш маскани ташкил этилмоқда. Канал атрофини ободонлаштириш, 1 километр электр тармоғи ва 1 та кўприк қуриш, 30 та манзарали чироқ, пиёдалар ва велойўлаклар, айвон ҳамда ўриндиқлар ўрнатиш учун 8,5 миллиард сўм ажратилган. Эътиборлиси, ушбу лойиҳа доирасида 32 та хизмат кўрсатиш объекти ва 102 та янги иш ўрни ташкил этилади. Демак, бу ерда ободонлаштириш ишлари билан бир вақтда тадбиркорлик ривожи, аҳоли бандлиги ва оилавий даромадлар учун ҳам янги замин яратилмоқда.

Бу тажриба маҳаллаларда мавжуд ресурсларни ишга солиш, ер ва инфратузилма имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали янги иқтисодий фаолликни шакллантириш мумкинлигини кўрсатади.

Вилоят иқтисодиётидаги барқарор ўсиш ҳам амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим натижасидир. Жорий йилнинг 9 ойи якунига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 77,6 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,5 фоизга ўсди. Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 36,7 миллион сўмга етиб, 7,9 фоизга ошди.

Албатта, иқтисодий ўсишнинг энг муҳим мезони — унинг одамлар ҳаётида қандай акс этишида. Янги иш ўринлари, муносиб даромад, обод кўча, сифатли хизматлар ва фаровон хонадонлар ана шу тараққиётнинг ҳақиқий ифодасидир.

Рустам ЮСУПОВ,
“Mahalla” мухбири.

Бухорога бу галги ташрифнинг мазмун-моҳиятига назар ташлар эканмиз, бир ҳақиқат янада яққол намоён бўлади: тарихий меросни асраш, замонавий иқтисодиётни ривожлантириш, инвестиция жалб қилиш, туризмни кенгайтириш ва маҳаллаларни обод этиш — буларнинг барчаси ягона мақсадга, инсон қадрини улуғлашга хизмат қилади.

Бугун маҳаллаларда янги йўллар қурилмоқда, кўчалар ёритилмоқда, сув ва электр таъминоти яхшиланмоқда. Тадбиркорлик учун имкониятлар кенгайиб, хизмат кўрсатиш объектлари кўпайди. Ёшлар ва ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини ошириш учун янги лойиҳалар амалга оширилляпти. Энг муҳими, маҳалла энди иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик, ташаббус ва бунёдкорлик марказига айланиб бораётир.

Президент ташрифининг асл моҳияти ҳам шунда: ҳар бир ҳудуднинг имкониятини ишга солиш, ҳар бир инсоннинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳар бир хонадонга фаровонлик олиб кириш.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ТЎЙ ЎТКАЗИШДАН МАҚСАД ЭЛНИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРИШМИ?



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Жорий йилнинг ўтган даврида Самарқанд вилоятида 3 892 та оилавий ажралиш ҳолати қайд этилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,4 фоизга кўп. Албатта, ҳар бир ажралиш ортида алоҳида тақдир, ўз сабаб ва муаммолари бор. Уларнинг барчасини биргина тўй харажатлари ёки маъракадаги исрофгарчилик билан боғлаш тўғри бўлмайди.

*— Оилавий ҳаётни қарз, ортиқча сарф-харажат ва ижтимоий босимдан бошлаш ёш оилалар учун қўшимча қийинчиликлар тугдириши тайин, **— дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиги Исроил Жабборов.** — Шунинг учун маҳалладаги тарғибот ишлари фақат маросим ўтказиш қоидаларини тушунтириш билан чекланмаслиги керак. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эр-хотин ўртасида ўзаро ҳурмат ва масъулиятни мустаҳкамлаш, ота-оналар билан очиқ мулоқот қилиш ҳам муҳим. Самарқанд вилояти маҳаллаларида бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2026 йилнинг ўтган ўн ойида тўйлар, оилавий тантаналар ва маросимларни тартибга солиш бўйича 9 674 та тарғибот тадбири ўтказилди. Уларда 155 минг нафардан зиёд фуқаро иштирок этди, 1 063 та маҳалла қамраб олинди. Шу даврда 1 261 та маросимда белгиланган тартибларга риоя этилиши ўрганилиб, 117 та қоидабузарлик аниқланди. Уларнинг 37 таси бўйича тегишли чоралар кўрилди.*

Бу рақамлар тарғибот билан бирга, жамоатчилик назорати ҳам олиб борилаётганини кўрсатади. Бироқ масаланинг энг муҳим жиҳати — одамларнинг маросимларга бўлган қараши ўзгаришидир. Тойлоқ туманидаги 27 та оилада камхарж ва намунавий тўйлар ўтказилгани бу борада эътиборга молик. Бу тажриба тўйни ортиқча харажатларсиз ҳам мазмунли, файзли ва элга манзур тарзда ўтказиш мумкинлигини амалда кўрсатади.

Матбуот анжуманида, шунингдек, соғлом оила ва хавфсиз маҳалла масалалари муҳокама қилинди, гиёҳвандликнинг олдини олиш мавзусига алоҳида эътибор қаратилди. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг қизиқиш ва муаммоларига бефарқ бўлмаслик, ота-оналар билан ҳамкорликда хавфли иллатларнинг илдиз отишига йўл қўймаслик муҳимлиги қайд этилди. Бу борада “маҳалла еттилиги” вакиллари, айниқса, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли ҳамда оила ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик аниқ натижага йўналтирилиши зарур.

Матбуот анжуманининг амалий қисми Тойлоқ туманидаги “Янгиҳаёт” маҳалласида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида давом этди. Вилоятда 2026 йил баҳорги кўчат экиш мавсумида 3 миллион 240 минг 513 туп кўчат экилган. Кузги мавсумда эса 1 063 та маҳаллада жами 2 миллион 289 минг 100 туп дарахт ва бута кўчатлари экилиши белгиланган.

Эътиборлиси, бу жараёнда асосий вазифа кўчатнинг тутиб кетиши, суғорилиши ва ўз вақтида парваришланишини таъминлашдан иборат. Шунинг учун ҳар бир маҳаллада экилган кўчатларнинг ҳисобини юритиш, уларни суғориш ва парваришлаш учун масъулларни белгилаш, бу ишга аҳолини ҳам жалб этиш муҳимлиги қайд этилди.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Намуналимиз, бироқ натижага тўсиқ бўлган омиллар ҳам бор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Шуҳрат ХУРРАМОВ,
Чироқчи туманидаги
“Қалқама” маҳалласи раиси.

Албатта, маҳалла ҳаётини фақат даромад ва тадбиркорлик билан ўлчаб бўлмайди. Одамлар ўртасидаги муносабат, хонадонлардаги тинчлик, фарзандлар тарбияси ва ўзаро ҳурмат ҳам фаровон турмушнинг муҳим шартидир. Бугунги кунда маҳалламизда жиноятчилик ва оилавий ажралишлар қайд этилмаган. Бу, аввало, аҳоли ўртасидаги ҳамжиҳатлик, қўни-қўшничилик муносабатлари ва оила муқаддаслигига бўлган ҳурматнинг натижаси, деб биламан.

Бироқ бугун маҳалламизда аҳоли турмушига бевосита таъсир қилаётган, ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳам бор. Шулардан бири — маҳалла идораси билан боғлиқ. Шу кунга қадар ўтган асрнинг 50-йилларида қурилган бинода фаолият юритиб келдик. Вақт ўтиши билан бинонинг техник ҳолати ёмонлашиб, хавфли даражага келди. Шу боис маҳалла идорасини мактабнинг битта хонасига кўчиришга мажбур бўлдик.

Иккинчи муҳим масала — ичимлик сув таъминоти. Маҳалламизнинг тоғ ён бағрида жойлашган қисмида 20 та хонадон истиқомат қилади. Бу хонадонлардаги одамлар учун сув таъминоти жиддий муаммо бўлиб келмоқда. Ҳудуднинг географик шароити сабабли қудуқ қазиш ёки артезиан қудуғи орқали сув чиқариш имконияти мавжуд эмас. Сувни фақат маҳалланинг қуйи қисмидан юқорига етказиш мумкин. Бунинг учун махсус қувурлар тортиш ва юқори қувватли насос ўрнатиш талаб этилади.

Учинчи масала — электр энергияси таъминоти. Ҳудудимиздаги симёғочлар анча эскирган, хизмат муддатини ўтаб бўлган. Электр тармоқларини янгилаш, эски таянчларни алмаштириш ва симларни қайта тортиш зарурати бор. Бу, аввало, аҳоли хавфсизлиги ва электр таъминоти барқарорлиги учун муҳим.



Бу учала масала бўйича туман ҳокимига мурожаат қилганмиз. Уларнинг ҳар бири алоҳида эътибор ва амалий ечим талаб қилади. Биз ҳам маҳалла фаоллари билан биргаликда муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этишда ташаббус кўрсатишга тайёрмиз.

Тоғли ҳудудда яшашнинг ўзига хос қийинчиликлари бор, албатта. Аммо бу ҳолат мавжуд имкониятлардан фойдаланишга тўсқинлик қилмаслиги керак. Шу боис чорвачиликни оддий рўзғор юмуши даражасидан даромад келтирадиган барқарор тармоққа айлантиришни мақсад қилганмиз. Бунинг учун сут йиғиш шохобчаси, совитиш ускунаси, ветеринария хизмати, озуқа тайёрлаш ва маҳсулотни бозорга етказиб бериш тизимини йўлга қўйиш зарур. Бу алоҳида хонадонларнинг имкониятини бирлаштиради.

Шунингдек, маҳалланинг табиий салоҳиятидан ҳам унумли фойдаланишимиз керак. Ҳудуднинг тоғ манзаралари, булоқлари, ўзига хос ўсимлик дунёси ва қишлоқ турмуш тарзи сайёҳликни ривожлантириш учун муайян имкониятлар яратади. Шу жиҳатдан оилавий меҳмон уйларини ташкил этиш, маҳаллий чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сайёҳларга таклиф қилиш, ҳунармандчилик буюмлари савдоси ва мавсумий сайёҳлик йўналишларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқяпмиз.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи А.Зиёвитдинов РИШТОН ТУМАНИ “ҲОЖИҚИШЛОҚ” МАҲАЛЛАСИДА учрашув ўтказди.



ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ “БОҒИШАМОЛ” МАҲАЛЛАСИДА “еттилик” вакилларининг 9 ойлик фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди.



Пайариқ туманидаги “БУНЁДКОР” ВА МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАҲАЛЛАЛАРДА замонавий болалар майдончалари фойдаланишга топширилди.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ҳар бир устанинг ўз харидори, ҳар бир оиланинг насибаси бор



Маҳалламизнинг асосий “драйвер”и — темирчилик ва мебелсозлик. Айниқса, темирчилик бу ерда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий анъана, оилаларнинг ризқ-рўз манбаидир. Бугун аҳолининг қарийб 80 фоизи шу ҳунар билан шуғулланади. Хўжалик учун зарур бўлган юздан ортиқ турдаги буюмлар ишлаб чиқарилади.

Гулнора ЭРГАШЕВА,
Бувайда туманидаги
“Янгиқишлоқ” маҳалласи раиси.



Баъзилар: “Бир маҳаллада шунча одам битта ҳунар ортидан даромад топиши мумкинми?”, дейиши мумкин. Мен бунга ҳеч иккиланмай: “Ҳа”, деб жавоб бераман. Ахир, “Карвон кўп, ризқи бўлак”, деган гап бор. Ҳар бир устанинг ўз харидори, ҳар бир хонадоннинг ўз меҳнати ва насибаси бор.

Бунинг бир мисоли — маҳалламизда яшовчи Шоҳаббос Муҳиддинов. У 60 миллион сўм кредит олиб, пичоқчилик фаолиятини кенгайтирди. Аслида, Шоҳаббос бу ҳунар билан оилавий шуғулланиб келарди. Бир куни ҳоким ёрдамчиси билан хонадонига борганимизда, эндигина ясаб бўлган 5-6 та пичоғини сотувга тайёрлаб қўйган экан. Суҳбат давомида ишни кенгайтириш учун маблағ етишмаётганини айтди. Биз унга кредит асосида фаолиятини ривожлантиришни таклиф қилдик. Мақсадимиз биргина унинг эмас, бутун оиласининг даромадли меҳнат билан банд бўлишига кўмаклашиш эди.

Бугун эса натижа қувонтиради. Устахона кенгайди, ишлаб чиқариш кўлами ошди. Тайёрланаётган пичоқларнинг айримлари 1-2 миллион сўмгача баҳоланмоқда. Энг муҳими, у иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлса-да, ўзининг меҳнати ва тажрибаси билан яхши натижага эришди.

Маҳаллада даромад ва бандлик кўламининг ошиши билан бирга, биз учун одамларнинг тинчлиги, оилалардаги тотувлик ҳам жуда муҳим. Бугун йиғинимизда жиноятчилик ҳолатлари кузатилмаётгани, оилавий ажрашишлар қайд этилмаётгани, албатта, кўнглимизни кўтаради. Бироқ бу натижалар ўз-ўзидан юзага келгани йўқ. Ҳар бир хонадоннинг ҳолидан хабар олиш, дардини тинглаш, муаммосига биргаликда ечим излаш ортида қанча меҳнат бор.

Яқинда шундай оилалардан бирига дуч келдик. Тўрт нафар фарзанди бор эр-хотин ажралиш ёқасига келиб қолган эди. Дастлаб қараганда, бу оддий оилавий келишмовчиликдек туюлиши мумкин. Аммо вазиятни чуқурроқ ўрганганимизда, бунинг ортида доимий даромад йўқлиги, рўзғордаги етишмовчилик ва кундалик ташвишлар турганини англадик. Эр-хотиннинг тинимсиз жанжаллари, ҳатто болаларнинг ҳам руҳиятига таъсир қилаётган эди.

Шунда бу оилага шунчаки насиҳат қилиш, яхши гаплар билан овутиш камлик қилишини тушундик. Уларга ҳаётини ўзгартиришга ёрдам берадиган амалий кўмак зарур эди. Шу боис субсидия ажратиш чораларини кўриб, хонадонга узум етиштириш учун сўри, яъни ток кўтаришга мўлжалланган темир панжара қуриб бердик. Кўчатларни ҳам оила аъзолари билан биргаликда экдик. Бугун ўша хонадонда янги умид бор. Эр-хотин энди биргаликда меҳнат қилиш, токларни парваришлаб, келажакда ҳосил олиш ҳақида ўйламоқда.

Менимча, маҳалла раисининг вазифаси одамларнинг дардини ўзиникидек ҳис этиш, имкон қадар уларнинг оғирини енгил қилишдир. Маҳалла ҳам кичик бир жамият. Унда қувонч ҳам, ташвиш ҳам, синов ҳам бўлади. Муҳими, ҳеч ким ўз муаммоси билан ёлғиз қолмасин.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ



“БИЗ УЧУН ИШСИЗЛАР КАМАЙГАНИ ЭМАС, ИШЛИЛАР КЎПАЙГАНИ МУҲИМ”

Маҳаллада 5 975 нафар аҳоли истиқомат қилади. Беш бармоқ баробар бўлмаганидек, орамизда қийналган, шароити оғир оилалар ҳам бор.



Акбар ҒАФФОРОВ,
Боёвут туманидаги “Наврўз” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Илгари “Камбағаллик айб эмас”, дердик. Лекин бугун давлатимиз шунча имконият яратиб бераётган бир пайтда, ҳаракат қилмай ўтиришнинг ўзи уят. Тўғри йўл кўрсатиб, озгина туртки берсак, одамларимиз қандай катта ютуқларга эришаётганини кўриб, меҳнатимдан фахрланаман.

Бу фикрим исботини рақамлар орқали яққол кўриш мумкин. Олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида камбағал оилалар сони сезиларли даражада камайди. Мисол учун, 2025 йилда 118 та камбағал оила бор эди. 2026 йилга келиб, бу кўрсаткич 80 тагача камайди. Бир йил ичида деярли 40 та оилани рўйхатдан чиқаришга эришдик.

Аслида, оилаларни шунчаки рўйхатга олмаймиз, уларни учта аниқ тоифага ажратиб, манзилли ёрдам беряпмиз. Оёққа турғизиш учун 2025-2026 йиллар давомида 27 та оилага имтиёзли кредит, 4 та оилага ссуда ва 2 та оилага субсидия ажратдик. 15 нафар фуқарони эса бепул касб-ҳунарга ўқитдик.

Маҳалладошларимнинг тадбиркор бўлиб, бошқаларни ҳам иш билан таъминлаётганини кўриш — мен учун энг катта мукофот. Бунга бир нечта ёрқин мисолларни келтира оламан.

Мўминжон Мирзоқуловга “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури орқали 100 миллион сўм кредит олишда кўмаклашдик. Ҳозир у эшик ва ром тайёрлаш корхонасини очиб, 4 та иш ўрни яратди.

Фахриддин Қосимов “Микрокредитбанк”дан 40 миллион сўм кредит олиб, ўз тикув корхонасини йўлга қўйишга тайёргарлик кўряпти.

Нигора Юсупова 10 миллион сўм кредитга оилавий новвойлик анъанасини тиклади. Ҳозир кунига 300 тагача ширин нон ёпиб, маҳалла дўконларига тарқатяпти.

Моҳичеҳра Қодирқулова II гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, жуда ҳаракатчан аёл. Унга 30 миллион сўм кредит эвазига ускуна сотиб олиб, кунига 50 дан 100 килограммгача сифатли қурут ишлаб чиқармоқда ва 4 кишини иш билан таъминлади.

Маҳалламизда ҳозир 40 та тадбиркорлик субъекти бор. Бундан ташқари, 200 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиб оила тебратмоқда. Баҳодир Саматов, Ўринбой Янгибоев каби саховатпеша тадбиркорлар кам таъминланган оилаларга доим моддий ёрдам бериб келишади.

Албатта, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Маҳалламизда 128 нафар ишсиз фуқаро бор. Шу боис, яқинда бўш иш ўринлари ярмаркасини ташкил қилдик.

Мақсадимиз — маҳаллани камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш. Бунинг учун “еттилик” билан бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилишда давом этамиз.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ



Танбеҳдан кўра кўмак кўпроқ натижа беради

Ёшлар етакчиси бўлиш, бу — ҳар бир йигит-қизнинг ҳаётига қизиқиш, дардини тинглаш, орзусига шерик бўлиш ва керак пайтда қўлидан тутиш демакдир. Чунки ҳар бир ёшнинг ўз дунёси, мақсади ва ечимини кутаётган муаммоси бор.



Шаҳзода ТОЛИПОВА,
Навбаҳор туманидаги “Қизилой” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Менинг иш услубим оддий — ёшлар билан юзма-юз суҳбатлашиш, уларнинг хонадонларига бориш ва муаммонинг илдизини ўрганиш. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, пробация ва профилактик ҳисобда турган ёшларга алоҳида эътибор қаратамиз. Яқинда шундай тоифадаги икки нафар ёшнинг ҳаётида ижобий ўзгариш қилишга эришдик. Уларнинг бирига доимий иш топишда кўмаклашдик, иккинчисига эса имтиёзли кредит асосида тадбиркорлик бошлаши учун шароит яратдик. Менимча, ёшларни тўғри йўлга қайтаришда уларга танбеҳ беришдан кўра, имконият тақдим этиш кўпроқ самара беради.

Бугун маҳалламизда 12 нафар ёшга жами 210 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашдик. Муҳриддин Сувонов, Самандар Тошназаров, Зуҳра Тўйчиева, Рухшона Исматуллаева ва Шаҳзод Тошпўлатов иссиқхона ташкил этди. Азиза Маҳаматова ҳамшираликка хизмати кўрсатишни бошлади, Сарвар Андақулов эса асаларичилик билан шуғулланмоқда. Шаҳло Турсунова ва Наврўз Ҳамроев чорвачилик йўналишида ўз ишини йўлга қўйди. Бугун уларнинг ҳар бири ўз меҳнати билан даромад топяпти.

Ёшларнинг ердан унумли фойдаланиб, ўз меҳнати билан ризқ топишига эътибор қаратяпмиз. “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида Аҳрор Ҳазратқулов, Гулноза Исломова ва Акмал Норқуловга ер майдонлари ажратилиши орқали полизчиликни ривожлантиришга йўл очилди. Улар етиштирган маҳсулотини бозорга чиқариб, оиласи даромадига ҳисса қўшмоқда.

Албатта, ёшларнинг бандлигини таъминлаш билан иш тугамайди. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, китобга, спортга ва илмга қизиқтириш ҳам муҳим. **Маҳалламизда кичик кутубхона ташкил этдик.** Қаюмовлар оиласининг китобхонликка бўлган меҳри бошқаларга ҳам ўрнак бўлмоқда. Спорт йўналишида эса мини-футбол бўйича қизлар жамоасини шакллантирдик. **“Қизилой” жамоаси** “Давлат хавфсизлик хизмати кубоги” мусобақасида туман ва вилоят босқичларида ғолиб чиқиб, республика босқичида қатнашди. Шунингдек, **“Ибрат фарзандлари” лойиҳаси** доирасида 10 нафар ёш, жумладан, мен ҳам инглиз тили курсларини тамомлаб, сертификат олдик.

Олдимизда ҳали режалар кўп. “Бир ёш – бир ҳунар” дастури орқали ҳунармандчилик, ахборот технологиялари ва сервис соҳаларида бепул қисқа муддатли курслар ташкил этиш ниятидамиз. Маҳалламизнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, деҳқончилик ва чорвачиликка қизиқувчи ёшлар учун “Ёш фермерлар клуби”ни тузмоқчимиз. Шунингдек, психологик кўмак маркази ҳамда ёш хотин-қизларни касб ва тадбиркорликка йўналтирувчи машғулотларни йўлга қўйиш режамиз бор.

Келгусида маҳалламиздаги самарали ташаббусларни бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириш, ёшлар етакчилари ўртасида тажриба алмашиш тренингларини ташкил этишни истайман.

ИШ БИЛГАНГА, БАЛЛИ!

Етиштирилган маҳсулотни сақлаш катта маҳорат

Эрта баҳорда бозорга чиққанингизда айрим расталарда худди кечагина ковлаб олингандек қаттиқ, силлиқ картошкаларни, бошқасида эса буришиб қолган, ниш отган ёки ичи қорайган маҳсулотни кўрасиз.

Зафар ОРТИҚОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Хўш, бунинг сири нимада? Ҳосилнинг сифатли сақланиши уруғга эмас, балки омборхонадаги ҳарорат, намлик ва тўғри шамоллатиш тизимига боғлиқ.

Яъни, маҳсулотни жойлаштиришдан олдин хона тоза бўлиши керак. Чунки эски ҳосилдан қолган кичкинагина чиринди ҳам янги маҳсулотни заҳарлаши мумкин. Сичқон ва каламушлар кириши мумкин бўлган ҳар бир тешик ва тирқишни маҳкам беркитинг. Улар маҳсулотни ейишдан ташқари, хавфли инфекцияларни ҳам ташийди.

Омборга тўкилган илк 10-14 кун картошканинг “тикланиш даври” ҳисобланади. Бу вақтда хона ҳарорати 12-18 даража илиқ, ҳаво намлиги эса 90-95 фоиз бўлиши керак. Иссиқ ва нам муҳитда картошканинг жароҳатланган жойлари тез битади, пўстлоғи қалинлашиб, мустаҳкамланади. Фақат шундан кейингина хона ҳароратини аста-секин пасайтириш мумкин.

Даволаш даври тугагач, қиш бўйи мудраш (уйқу) ҳолатида сақлаш керак. Бунинг учун омборхонада ҳарорат +2...+5 даража илиқ, намлик 85-95 фоиз бўлиши шарт.

Агар ҳарорат бу меъёрдан пасайиб кетса, картошка таркибидаги крахмал шакарга айланади. Юқори бўлса, туганаклар вақтидан олдин ниш чиқаради, сувини йўқотиб, худди резинадек буришиб қолади.

Аксарият деҳқонлар картошкани омборга тўкиб, баҳоргача унутишади. Бу — энг катта хато. Сабаби, кўплаб хавфли касалликлар, жумладан фузариоз, фитофтороз ва фомоз белгилари айнан сақлаш жараёнида, маҳсулот ичида ривожланади. Шу боис дастлабки 3-4 ҳафта ичида хонани жуда синчковлик билан текширинг. Кейинчалик мунтазам назорат қилиб туринг. Касалланган ёки чириган туганакларни кўришингиз билан дарҳол ажратиб олинг. Жараён бошқа соғлом картошкаларга ўтиб кетмасин. Намланган ёки чиришни бошлаган картошкаларни ювиб, қайта сақлашга уринманг. Сув чиришни янада тезлаштиради.

ҚИЗИҚИШ ТАШАББУСГА, ТАШАББУС ОИЛАВИЙ БИЗНЕСГА АЙЛАНДИ

Кузнинг сўнгги ойлари, табиат аста-секин уйқуга кетаётган бир пайтда Қўштепа туманининг “Солижонобод” маҳалласида гўзаллик барқ уради. Атроф кузги хазонрезгиликка бурканган бўлса-да, 1,5 гектарлик майдонда ранг-баранг бахмалгуллар яшнаб турибди.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА,
Фарғона вилояти.



Бу — меҳнат, ташаббус ва оилавий бирдамлик самараси ўлароқ қад ростлаган улкан гулзордир. Унинг ортида Араббой Маъмуров ва унинг ака-укаларининг машаққатли меҳнати ётибди. Бундан 15 йил аввал Араббойнинг кичик хонадон томорқасида бошланган қизиқиши бугун катта оилавий бизнесга айланди. Айниқса, салқинсевар ва нафис бахмалгул етиштириш оилага катта муваффақият келтирди.

Бошида ер майдони топиш муаммоси қийнади. Давлатимиз раҳбарининг ерга иштиёқи бор, лекин майдони йўқ ёшларга ер ажратиш борасидаги ташаббуси масалага ечим бўлди. Уларга “Солижонобод” маҳалласи ҳудудидан 1,5 гектар ер ажратилди. Беш нафар ака-ука берилган имкониятдан унумли фойдаланиб, гулчилик кўламини бир неча баробарга кенгайтирди. Мана уч йилдирки, бу гулзор нафақат оиланинг, балки маҳалладошларнинг ҳам фаровонлигига хизмат қилмоқда. Энг қувонарлиси, мазкур фаолият ортидан оила аъзоларидан ташқари, қишлоқнинг яна беш нафар ишсиз аҳолиси доимий иш ўрни ва барқарор даромадга эга бўлди.

Бир қарашда гуллар ўзидан-ўзи очилиб ётгандек туюлиши мумкин. Аммо бу нафосат ортида йилнинг деярли 10 ойини банд қиладиган тинимсиз ва машаққатли меҳнат туради.

БИЗ — ТАДБИРКОР ОИЛАМИЗ!

Ҳали қиш чиқмай туриб, январь ва февраль ойларида хонадон томорқасидаги иссиқхоналарда янги кўчатлар тайёрланади. Баҳор келиши билан асосий дала майдонида қизғин иш бошланади. Меҳнат ва сабрнинг меваси сифатида Қўштепанинг чекка бир қишлоғида етиштирилаётган нафис бахмалгуллар бугун нафақат юртимиз бозорларини, балки қўшни давлатлар расталарини ҳам безамоқда. Харидорларнинг кети узилмайди.

Бу тажриба мисолида кўриш мумкинми, агар ердан унумли фойдаланилса, меҳнатга меҳр ва қатъий ташаббус уйғунлашса, энг чекка ҳудудда ҳам ҳавас қилгулик гўзаллик яратиш, оилани тўқ ва фаровон қилиш мумкин. Бугун бу файзли гулзорда фақатгина ранг-баранг бахмалгуллар эмас, бир аҳил оиланинг гўзал орзу-интилишлари ва порлоқ келажаги гулламоқда.



Халқаро инновацион ғоялар ҳафталигида хотин-қизлар ўртасидаги “ҲУДУДНИНГ ЭНГ ЯХШИ 100 ТА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАСИ” танлови ғолиблари тақдирланди.



Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ПАРВАРИШ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ бўйича минтақавий мулоқот бўлиб ўтди.



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИДА аҳолини иш билан таъминлаш, касбга ўргатиш ва тадбиркорликка жалб қилиш чоралари юзасидан йиғилиш ўтказилди.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Ижтимоий ёрдамда ягона қолип йўқ

Муаммони аниқлаш ишнинг бошланиши, уни ҳал этиш эса ҳақиқий натижадир. Ижтимоий ходим фаолиятида бу икки жараён ўртасидаги масофа баъзан анча узоқ бўлади.



**Дилноза ЖУМАЕВА,
Ғузор туманидаги “Буюк карвон йўли” маҳалласи ижтимоий ходими.**

Чунки ҳар бир мурожаат ортида турли сабаблар, ечимини кутаётган масалалар ва алоҳида ёндашувни талаб қиладиган ҳолатлар яширин. Шу боис фаолиятимда мурожаатни рўйхатга олишдан кўра, унинг ижобий ечим топишига кўпроқ аҳамият қаратаман.

2024 йил октябрь ойидан буён ижтимоий ходим сифатида фаолият юритиб келяпман. Маҳалламизда 3 300 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Фаолиятим давомида оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган 66 та оила билан алоҳида ишлаш учун “кейс”лар очилиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш юзасидан зарур чоралар кўрилди. Ижтимоий хизмат ва ёрдамлар натижасида “кейс”ларнинг кўп қисми ижобий якунланди.

Ҳар бир оила билан ишлашда, аввало, унинг ҳақиқий эҳтиёжини аниқлашга ҳаракат қиламан. Чунки бир оилага моддий ёрдам зарур бўлса, бошқасига тиббий хизмат, парвариш, иш билан таъминлаш ёки яшаш шароитини яхшилаш керак бўлади. Демак, ижтимоий ёрдамда ягона қолип бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ва оилага алоҳида ёндашиш талаб этилади.

Бу борада Гулсум Улжаеванинг ҳаёти мен учун аҳамиятли. Аёл кундалик турмушида ўзгаларнинг кўмаги ва парваришига эҳтиёж сезарди. Унинг ижтимоий аҳволи, саломатлиги ва яшаш шароитини ўрганиш жараёнида бир қатор муаммолар аниқланди. Айниқса, ҳаракатланишдаги қийинчиликлари ва уй-жой шароитини яхшилаш зарурати алоҳида эътибор талаб этарди.

Шундан сўнг фуқаронинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, зарур ёрдамларни ташкил этишга киришдик. Дастлаб Гулсум опа якка-ёлғиз кексалар реестрига киритилди. “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизматига йўналтирилди. Даволаниши учун моддий ёрдам ажратилди, ҳаракатланишини енгиллаштириш мақсадида электрон ногиронлик аравачаси олиб берилди. Шунингдек, яшаш шароитини яхшилаш учун уй-жойи таъмирлаб берилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида Гулсум опанинг кундалик ҳаётидаги қатор қийинчиликлар бартараф этилди. Унинг зарур ижтимоий хизматлардан фойдаланиши ва муносиб турмуш кечириши учун имкониятлар кенгайди.

Бундай натижалар менга касбимнинг моҳиятини янада чуқурроқ англатади. Ижтимоий ходим меҳнатини фақат очилган кейслар, кўрсатилган хизматлар ёки бажарилган ишлар сони билан баҳолаб бўлмайди. Унинг ҳақиқий самараси инсон ҳаётидаги ўзгариш, муаммонинг ҳал этилиши ва эртанги кунга бўлган ишончнинг ортишида намоён бўлади.

Шунинг учун хонадонларга ташриф буюрганимда, фуқаролар билан суҳбатлашганимда, уларни шунчаки тинглаш эмас, балки муаммонинг туб сабабини англашга интиламан. Чунки баъзан инсонга моддий ёрдамдан ташқари, уни тушунадиган, дардига қулоқ тутадиган ва қийинчиликдан чиқишига кўмаклашадиган инсон ҳам керак бўлади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Хорижда тажриба оширсак, ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб қайтар эдик”

Маҳалла ҳаётини фақат иш вақти билан ўлчаб бўлмайди. Бу ерда ҳар бир мурожаат, ҳар бир оила тақдири, кўчадаги осойишталик ва аҳолининг эртасига дахлдор масалалар куннинг исталган вақтида эътибор талаб қилади. Шу боис маҳалла раиси учун бу жой ишхона эмас, балки ўз уйимиздек азиз маскандир.

**Мавжуда НИЗОМОВА,
Зарафшон шаҳридаги
“Ўзбекистон” маҳалласи раиси.**



Ҳудудимизда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада тўрт нафар нуроний ва тўрт нафар ёшдан иборат назорат гуруҳимиз фаолият юритади. Ҳафтада икки кун тунги рейдлар ташкил этиб, кеча-кундуз ишлайдиган хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шохобчалари фаолиятини ўрганамиз. Шу орқали эҳтимолий кўнгилсизликларнинг олдини олиш, осойишталикни таъминлашга эришяпмиз.

Ҳар сешанба куни кўчаларда сайёр қабул ўтказамиз. Қувонарлиси, мурожаатлар сони кўп эмас. Буни аҳолининг муаммоларига бефарқ эмаслигимиз, масалаларни идорама-идора сарсон қилмасдан, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойида ҳал этишга интилаётганимиз билан боғлайман.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда замонавий технологик имкониятларидан ҳам фойдаланяпмиз. Кўчаларга ёритиш чироқлари ва кузатув камералари ўрнатилган. Шунингдек, велосипед ва болалар аравачаларини сақлаш учун махсус жойлар барпо этилди. Натижада тўрт йилдан буён маҳалламиз жиноятчилик кўрсаткичи бўйича “яшил” ҳудудлар қаторида.

Маҳалламизда аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш ва оилаларнинг даромад манбаини шакллантириш доимий эътиборимизда. Йил бошида камбағаллик рўйхатида олти нафар фуқаро бор эди. Уларнинг муаммолари билан манзилли шуғулланиб, рўйхатдан чиқаришга эришдик. Айни пайтда яна икки оила билан иш олиб боряпмиз.

Ёшлар бандлиги масаласида ҳам муайян натижаларга эришилди. Маҳалламиздаги йигит-қизларнинг 100 фоиз бандлиги таъминланган. Албатта, бу рақамнинг ортида ҳар бир ёшнинг қизиқиши, қобилияти ва имкониятини ўрганиш, унга муносиб машғулот топишга қаратилган ҳаракатлар турибди.

Бандликни таъминлашнинг энг самарали йўлларидан бири — одамларнинг тадбиркорлик бошлашига кўмаклашиш. Бу борада Гулшан Маҳмудованинг фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

У тўрт йил аввал фаолиятини атиги битта тикув машинаси билан бошлаган эди. Изланиш, меҳнат ва кредит маблағларидан оқилона фойдаланиш натижасида бугун тикув машиналари сони ўнтага етди. Ҳозирда унинг қўл остида саккиз нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Асосан, аёллар кийимлари ва тўгараклар учун буюртма асосида либослар тикилади. Бундан ташқари, уч нафар хотин-қиз шогирд сифатида бириктирилган.

Замон ўзгаряпти, аҳолининг эҳтиёж ва талаблари ҳам янгиланяпти. Энди маҳалла фақат ижтимоий муаммолар ҳал этиладиган ҳудуд бўлиб қолмаслиги, балки иқтисодий ва хизмат кўрсатиш жиҳатидан ҳам ривожланиши керак.

Шу мақсадда маҳалламизда марказий савдо ҳудуди негизида гастрономик кўча ташкил этиш ташаббусини илгари сурдик. Лойиҳа доирасида йигирмадан ортиқ замонавий йўналишларни ишга тушириш, ўттиздан зиёд янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ҳозирда лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилган, уни амалга ошириш бўйича ишлар бошланган.

Айни шу кўчада электрон кутубхона ташкил этмоқчимиз. Унда аҳоли бир вақтнинг ўзида дам олиши, қаҳва ичиши ва китоб мутолаа қилиши мумкин бўлади. Махсус экранлар орқали исталган китобни танлаб, ўқиш имконияти яратилади. Болалар учун эса тафаккурни ривожлантирувчи мультфильмлар ва мазмунли фильмлар намойиш этилади.

Лойиҳани бир вақтнинг ўзида 25 нафар фойдаланувчини қамраб оладиган тарзда ташкил этишни режалаштирганмиз. Бунинг учун 25 та алоҳида экран ва битта катта экран ўрнатилади. Электрон кутубхонани 2027 йил охирларида ишга тушириш ниятимиз бор. Зеро, замонавий маҳалла аҳолининг нафақат моддий, балки маънавий эҳтиёжларига ҳам хизмат қилиши лозим.

Шу ўринда бир таклифим бор. Маҳалла раислари учун хорижий давлатларнинг маҳалла бошқаруви, тадбиркорлик ва ҳудудий ривожланиш борасидаги тажрибаларини ўрганиш мақсадида амалий сафарлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Улардаги самарали усулларни ўз ҳудудимиз шароитига мослаштириш кўплаб янги ғояларга йўл очади.



Олти оила яна қайта ярашиш умидида

ЖАРАЁН

Навоий вилоятида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Кармана туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди ҳамкорлигида оилавий ажралишларнинг олдини олиш ва низоли вазиятларни бартараф этишга қаратилган учрашув ўтказилди.

Учрашувда маҳаллалардаги ажрашиш ёқасига келиб қолган 16 та оиланинг ҳолати атрофлича ўрганилиб, улар билан якка тартибда суҳбатлар олиб борилди. Эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликларнинг сабаблари таҳлил қилиниб, ўзаро ҳурматни тиклаш, оилавий қадриятларни асраш ҳамда фарзанд тарбиясидаги ота-она масъулияти юзасидан тегишли тушунтиришлар берилди.

Самимий мулоқот ва тушунтириш ишлари натижасида шу ернинг ўзида 6 та оиланинг ажралиб кетишининг олди олинди. Қолган оилаларни яраштириш бўйича маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари, “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари, маҳалла нуронийлари иштирокида муҳокамалар ўтказилиши, ҳар бир хонадонда соғлом маънавий муҳит қарор топтирилиши ва оилавий тотувлик таъминланиши белгиланди.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“Оиладаги низо эрнинг хорижга кетганими?”

Маҳаллада хотин-қизлар билан ишлаш фақат уларнинг бандлигини таъминлаш ёки ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан чекланмайди. Бу жараёнда ҳар бир аёлнинг ҳаётга муносабати, оиласидаги муҳити, орзу-интилишларини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Чунки иқтисодий мустақилликка эришган, ўз меҳнати билан даромад топаётган аёлнинг оиладаги ўрни ҳам, жамиятдаги фаоллиги ҳам ўзгаради.



**Нигора НУРМАТОВА,
Булунғур туманидаги
“Гулобод” ва “Зарафшон” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.**

Дилноза Суярованинг фаолияти бунга яхши мисол. У беш йилдан буён қандолат маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланади. Дастлабки ҳаракатларини тадбиркорликка айлантирган Дилноза бугун тўйхоналардан ҳам буюртмалар қабул қилмоқда. Ижарага бино олиб, ишини йўлга қўйган. Энг муҳими, саккиз нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган. Унга фаолиятини кенгайтириши учун маҳалла тавсияси билан 30 миллион сўм кредит ажратилди.

Бундай ташаббуслардан мақсадимиз фақат битта тадбиркорни қўллаб-қувватлаш эмас, балки унинг атрофида бошқа аёллар ҳам меҳнат қилиши, даромад топиши ва ўз имкониятларини намоён этиши учун шароит яратишдир.

Яқинда ўтказилган хатлов жараёнида ҳудудимизда 13 нафар ишсиз хотин-қиз аниқланди. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашиб, қизиқиши ва имкониятидан келиб чиқиб, бандлигини таъминлаш чораларини кўрдик. Икки нафарини қандолатчилик корхонасига, бир нечтасини тикувчилик цехларига йўналтирдик. Яна икки нафар аёл чорвачилик билан шуғулланиб, сут ва қатиқ сотиш орқали даромад топмоқда.

Фаолиятимизда энг кўп ўйлантирадиган, кўнглимизни оғритадиган масалалардан бири — оилалардаги келишмовчилик ва ажрашиш. Бунинг сабаблари турлича. Айрим ҳолларда ҳаётга енгил қараш, оилавий масъулиятни чуқур ҳис этмаслик, баъзан эса узоқдаги меҳнат миграцияси туфайли эр-хотин ўртасида ишончнинг сусайиши шундай оқибатларга олиб келмоқда.

Масалан, бир оилада эркак ишлаш учун хорижга кетган. Турмуш ўртоғининг бошқа йигит билан телефон орқали мулоқот қилиб юргани маълум бўлгач, оилада жиддий низо келиб чиққан. Аслида, бу каби вазиятлар бир кунда пайдо бўлмайди. Масофа, ўзаро ишончнинг заифлашиши, бир-бирининг ҳолатидан бехабар қолиш оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади.

Шу боис хотин-қизлар билан ишлашда оилавий масъулият, ўзаро ҳурмат, ишонч ва фарзандлар тарбияси ҳақида ҳам мунтазам тушунтириш ишларини олиб боришимиз керак. Аёлларни қўллаб-қувватлаш дегани уларга фақат имконият яратиш эмас, балки ҳуқуқ ва масъулият мувозанатини англатиш ҳамдир.

Яна бир муҳим масала — маҳалла фаолларининг иш юкламаси. Ҳозирда икки маҳаллага бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатишга тўғри келмоқда. Ҳар икки ҳудуддаги хотин-қизларнинг мурожаатлари, оилавий муаммолари, бандлик масалалари ва ижтимоий эҳтиёжларини бирдек қамраб олиш осон эмас. Чунки муаммо қаерда пайдо бўлса, ўша ерга бориш, вазиятни ўрганиш ва тезкор чора кўриш талаб этилади.

Шу жиҳатдан ҳар бир маҳаллага биттадан хотин-қизлар фаоли бириктирилса, иш самарадорлиги янада ошар эди. Бу орқали ҳар бир ҳудуддаги вазиятни чуқур ўрганиш, оилалар билан мунтазам ишлаш ва муаммоларни эрта аниқлаш имконияти кенгаяди.

“ИМКОНИЯТ БОР ЖОЙДА ҲАРАКАТДАН ТЎХТАШ ХАТО”



Томорқачилик, иссиқхона хўжалиги Олот туманидаги ўнлаб оилалар учун барқарор даромад манбаига айланган. “Жайхунобод” маҳалласида яшовчи 75 ёшли Анвара момо Умурова ҳам ана шундай меҳнатсевар миришкорлардан бири.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Умуровлар хонадонида 20 сотих ер майдонида иссиқхона ташкил этилган бўлиб, айни пайтда унинг 10 сотих қисмида булғор қалампири, аччиқ қалампир етиштириш билан бирга, 20 тупдан ортиқ лимон парваришланмоқда. Август ойининг ўрталарида экилган 2 500 туп булғор қалампири бугунга келиб ҳосилга кирган. Ҳар бир туп кўкатдан ўртача 2 килограммдан ортиқ маҳсулот олиш кўзда тутилган. Натижада кеч кузги мавсумда 5 тоннадан зиёд ҳосил йиғиш мақсад қилинган.

Етиштирилган маҳсулотлар харидоргир бўлиб, ҳатто Тошкент шаҳрига жўнатилмоқда. Бир килограмм ҳосилнинг сотув нархи ўртача 15 минг сўмни ташкил этади. Бу эса оила учун муносиб даромад манбаи бўлиш баробарида, тўрт нафар фарзанднинг доимий меҳнат билан бандлигини таъминламоқда.

— Сўнгги пайтларда камбағаллик, муҳтожлик ҳақида кўп гапирилмоқда. Мен 75 ёшга кирган бўлсам-да, ҳамон меҳнат қилишдан тўхтаганим йўқ. Имконият бор жойда ҳаракат ҳам бўлиши керак, — дейди Анвара момо Умурова. — Вақтни бесамар ўтказмасдан, меҳнат қилган инсон, албатта, рўзғорига барака киритади. Бугун тўрт нафар ўғлим оиласи билан шу иссиқхонада меҳнат қилиб, рўзғор тебратмоқда. Мен ҳам уларга бош-қош бўлиб, деҳқончиликдаги тажрибамни ўргатиб келяпман.

Дарҳақиқат, бу хонадонда меҳнат ва тажриба авлоддан авлодга ўтиб, ўзига хос “устоз-шогирд” анъанасига айланган. Анвара момонинг ташаббуси ва ибратли фаолияти маҳалладаги бошқа хонадонлар учун ҳам намуна бўлмоқда. Аслида, турмуш фаровонлиги ўз-ўзидан келмайди, унинг замирида тинимсиз меҳнат, ташаббус, сабр ва оила бирдамлиги мужассам.



Тошкентдаги Кўкча дарвоза кўчасида “ЯШИЛ ТЎЛҚИН” ТИЗИМИ ишга туширилди. Бу орқали 16 та светофор ўзаро мувофиқлаштирилди.



Ўзбекистонликларга ХОРИЖДА ИШЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ УЧУН 12 миллиард сўм компенсация ажратилди.



Январь-сентябрь ойларида “Apple”, “Google” ва бошқа хорижий компаниялар ЎЗБЕКИСТОНДА 232,8 МИЛЛИАРД СЎМ СОЛИҚ ТЎЛАДИ.

Mahalla

№89

2026 ЙИЛ
4 НОЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Ҳар бир оддий иш кунимиз ҳаёт-мамот имтиҳонига айланиши мумкин

КУН ҚАҲРАМОНИ

Тезкор ҳаракат боис фожианинг олди олинди

Инсон ҳаёти бамисоли нозик ипга боғлангандек. Баъзан бир сония, кичик бир эътиборсизлик ёки аксинча, ўз вақтида қилинган шиддатли ҳаракат бутун бир тақдирни ўзгартириб юбориши мумкин.



Ортиқ ОМОНОВ, Яккасарой туманидаги “Тепа” маҳалласи профилактика инспектори.

Аксарият одамлар ички ишлар ходимлари, профилактика инспектори, деганда бизни фақат қонунбузарлик ёки ҳужжатбозлик билан шуғулланувчи шахс сифатида тасаввур қилади. Бироқ хизмат вазифамиз замирида, энг аввало, инсон ҳаётини асраш, деган олий масъулият ётади. Ҳар бир оддий иш кунимиз ҳаёт-мамот имтиҳонига айланиши мумкин. Кеча бўлиб ўтган воқеа ҳам бу фикримга исботдир.

Ҳаммаси “102” хизматига келиб тушган қўнғироқдан бошланди. Бир йигит Бўзсув каналининг аҳоли сайр қилиши учун мўлжалланмаган, ёпиқ қисмида қора кийимдаги қизнинг тўсатдан ўзини сувга ташлаганига гувоҳ бўлади. Сув оқими қизни сониялар ичида шаршара томон оқизиб кетгач, гувоҳ зудлик билан ички ишлар навбатчилик қисмига хабар беради.



Ҳамкасбим Қудрат Расулов билан воқеа жойига етиб бордик. Канал атрофини синчиклаб кўздан кечираётганимизда, кучли оқим ва айланма ҳаракати туфайли қиз сувнинг чекка қисмга оқиб бориб қолганини ва жон талвасасида осилиб турганини кўрдик. Сониялар вазиятни ҳал қиларди. Қиз анчагина сув ютиб бўлган, ҳолдан тояётган эди. Бир лаҳза ҳам иккиланмай, ўзимни сувга отдим.

Оқим жуда кучли, гирдоб одамни ўз домига тортиб кетишга ҳаракат қиларди. Тезкорлик билан қизни қирғоққа олиб чиқдим, ҳамкасбим Қудрат эса уни юқорига тортиб олишга кўмаклашди. Сувдан чиқариб олингач, шу ернинг ўзида биринчи ёрдам кўрсатдик. Агар яна бироз кеч қолганимизда, гирдоб уни яна ўртага — чуқурроқ жойга тортиб кетган ва оқибати фожиали тугаган бўларди.

Зудлик билан яқин орадаги 5-сонли шаҳар шифохонасига етказдик. Тиббий ёрдам кўрсатилгач, шахси аниқланди. У Янгийўл туманидан келган ўспирин қиз экан. Тез орада ота-онаси билан боғландик ва шифохонага етиб келган оиласига соғ-саломат топширдик. Унинг ҳаёти сақлаб қолинди, ҳозирда аҳволи барқарор.

Маҳалламизда бугунги кунда 3 950 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуд инспектори сифатида менинг энг асосий вазифам — шу қондош ва жондош инсонларнинг тинчлигини асраш, осойишталикни таъминлашдир. Бугун жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда эскича усуллардан воз кечиб, бутунлай янгича ва замонавий ёндашувларни қўллаяпмиз. Рақамлаштириш, маҳалла фаоллари билан тезкор алоқа ва айниқса, ёшларни оммавий спортга жалб қилиш орқали ҳудудда жиноятчиликни жиловлаш бўйича ижобий натижаларга эришмоқдамиз.

Зеро, ички ишлар ходимлари, ҳар доим фуқароларнинг ҳаёти ва хавфсизлиги учун масъулмиз. Қизнинг ота-онаси келиб, кўзида ёш билан миннатдорчилик билдирганида, қалбимда шу касбни тўғри танлаганимга яна бир бор ички ишонч туйдим. Ҳеч иккиланмай айта оламанки, ўрнимда бошқа бир ходим бўлганида ҳам, ўйлаб ўтирмай худди шу ишни қилган бўларди. Зеро, бизнинг энг олий мукофотимиз — сақлаб қолинган инсон ҳаёти ва халқимизнинг ишончидир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Меҳнат бор жойда барака, аҳиллик бор жойда ривожланиш бўлади”



Маҳалламиз бежизга мамлакатимиздаги энг яхши маҳаллаларнинг “Топ-100” талик рейтингидан ўрин олмади. Бу ютуқ замирида ҳудудимизда истиқомат қилаётган меҳнатсевар, фидойи одамларнинг пешона тери, бирдамлиги ва маҳалла фаолларининг тизимли меҳнати ётибди. Бизда ҳар бир хонадон гўёки кичик бир ишлаб чиқариш корхонаси, ҳақиқий барака манбаидир.

Одилжон МАМАЖОНОВ, Янги Наманган туманидаги “Атанган гузар” маҳалласи раиси.

Аҳоли ердан унумли фойдаланишнинг ҳадисини олган. Чорвадорлар боққан қўй-моли, деҳқонлар эса экилган картошка ва пиёзи билан оиласи фаровонлигини таъминлаб келмоқда. Мусохон Абдураҳимов хонадони бунга яққол мисолдир. У ўз томорқасида 8 бош қўй, 30 та парранда боқиб, деҳқончилик билан шуғулланади. Рўзғорбоп маҳсулотлар етиштириб, йилига 3 мартагача ҳосил олади. Бу сербарака меҳнат нафақат оиласи, балки арзон маҳсулот сифатида маҳалладошларига ҳам катта манфаат келтирмоқда.

Олим Шарипов уй хўжалигида деҳқончилик анъаналарига қўшимча равишда зотдор мол парвариши йўлга қўйилган бўлиб, маҳалламизни сифатли сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қиляпти.

Ҳудудда бандликни таъминлаш масаласи доимий эътиборимизда. Тадбиркорлик бизда анъанавий касбга айланиб бўлган. Тадбиркор Исоқжон Ғаниев 5 йилдан бери оила аъзолари билан биргаликда миллий маҳсулотимиз бўлган қурутни қадоқлаш билан шуғулланади. Ойига 1 тоннагача маҳсулот тайёрланиб, ички бозорга етказилмоқда.



Абдуғани Мирзакаримов оиласи 10 йилдан буён сумалак тайёрлаш билан шуғулланади. Энг эътиборлиси, ушбу хонадонда бу баҳорий таом йил давомида пиширилади. Ҳар куни 600 қадоқ сумалак тайёрланиб, дўконларга чиқарилади. Энг муҳими, ушбу сердаромад меҳнат орқали маҳалламиздаги 8 нафар аёл доимий иш ўрни ва даромад манбаига эга бўлди. Сумалак бу оила учун нафақат анъана, балки бирдамлик ва ижтимоий масъулият рамзидир.

Маҳалламизнинг гўзаллиги ва файзига гулчилик маданияти алоҳида кўрк бағишлаб туради. Бугун ҳудудда 10 дан ортиқ хонадон профессионал гулчилик билан шуғулланмоқда. Акбаржон Деҳқонов ўз хонадонидаги 3 сотих ерда иссиқхона ташкил қилган. Унинг иссиқхонасида 30 турдаги қарийб 10 минг дона хонаки ва ноёб гуллар парвариш қилинмоқда.

Рейтингда юқори ўринни эгаллашимизнинг яна бир бош омили — инфратузилмани яхшилаш ва “Обод маҳалла” тамойилларини ҳаётга татбиқ этганимиздир. Маҳалладошларимизнинг тадбиркорликдан топаётган даромадлари эвазига кўчаларимиз обод бўлмоқда, ҳомийлик маблағлари ва ҳашар йўли билан ички йўллар асфальтланиб, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Ишсизликдан холи ҳудудга айланиш учун хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашни бош мақсад қилганмиз. Томорқа хизматлари, гулчилик ва ишлаб чиқариш тармоқлари орқали бирорта ҳам ишсиз фуқаро қолмаслиги учун тизимли ишлашда давом этяпмиз. Меҳнат бор жойда барака, аҳиллик бор жойда эса ривожланиш бўлади.

ТАШАББУС

Оддий, аммо намунага арзийдиган ишбилармон кўп



Одатда, муваффақият ҳақида гапирганда, кўз олдимизга йирик тадбиркорлар келади. Аммо ҳақиқий матонат ва оқилона меҳнат маҳсули бўлган катта ғалабалар кўпинча оддий қишлоқ хонадонларида, оилавий муҳитда юз очади. Бунинг учун кишида озгина имконият, хоҳиш бўлса кифоя.

Миришкор туманидаги “Ободон” маҳалласида яшовчи Улуғой Раҳимованинг ҳаёти ана шундай оддий, аммо бутун бир маҳаллага намуна бўладиган катта ўзгаришлар тарихидир. Яқин-яқингача ижтимоий ҳимояга муҳтож, даромади тайин бўлмаган аёллар қаторида рўйхатида турган. Бугун нафақат ўз оиласини тўқ ва фаровон қилди, балки юздан ортиқ маҳалладошларининг уйига барака олиб кирди. Дастлаб 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит билан иш бошлаган бўлса, айни дам йилига 250 миллион сўм даромад топмоқда.

— *Курка жуда баракали парранда,* — ***дейди Улуғой Раҳимова.*** — *Бир мавсумнинг ўзида 100 тагача жўжа очириш мумкин. 5 та ургочи курка билан ишни бошлаган бўлсам, ўша йилнинг ўзида очиб чиққан болаларининг ҳисобига уларнинг сони 100 тага етди. Хўроз куркаларни етилтириб сотдик, ургочиларини кўпайтиришга сақлаб қолдик. Натижада куркачилик мени тадбиркорга айлантирди.*

Тадбиркорлик сири нафақат меҳнатсеварлигида, балки атрофидаги аёлларни ҳам ўзи билан бирга юқорига тортиш истагида мужассам. Бугун унинг хонадонида куркалар сони мингдан ошган. Энг муҳими, кооперация тизимини йўлга қўйиб, маҳалладош хотин-қизларга парваришлаш учун курка жўжалари ва ем етказиб бермоқда, уларга бу ишнинг сир-асрорларини ўргатмоқда. Фаолиятини тизимли йўлга қўйишда солиқ инспектори кўмакчи.

БИЛИШИНГИЗ МУҲИМ!

Корхоналар учун ер солиғини тўғри ҳисоблашда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тоифаси, солиқ имтиёзлари ва камайтирувчи коэффициентларнинг ўрни муҳим. Айниқса, 5-тоифага киритилган туманларда фаолият юритаётган тадбиркорларда ер солиғига қандай имтиёзлар қўлланилиши бўйича саволлар туғилиши мумкин.

5-тоифадаги ҳудудларда ер солиғи қандай ҳисобланади?

Аввало, ер солиғини ҳисоблашда корхона жойлашган туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича 5-тоифага киритилгани ҳам инобатга олинади. Бироқ бу ҳолат солиқ суммаси 50 фоизга камаяди, дегани эмас. Солиқ кодексининг 429-моддасида назарда тутилган, корхона фаолиятига тегишли имтиёз ва камайтирувчи коэффициентлар қўлланилади. Кейин эса вилоят ва туман халқ депутатлари Кенгашлари қарорларида белгиланган ҳудудий коэффициентлар ҳисобга олинади.

Масалан, Солиқ кодексидаги тегишли ставка ва коэффициентлар қўлланилганидан кейин ер солиги 100 миллион сўмни ташкил этса, вилоят Кенгаши қарорида белгиланган 0,82 ҳамда туман Кенгаши қароридаги 0,92 коэффициентлар қўлланилганда, якуний солиқ суммаси 75,44 миллион сўм бўлади.

Демак, ер солиғи бўйича якуний тўлов миқдори фақат ҳудуднинг 5-тоифага киритилганига қараб эмас, балки амалдаги имтиёзлар, Солиқ кодекси нормалари ва маҳаллий Кенгашлар қарорларида белгиланган коэффициентлар асосида аниқланади.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Тадбиркорга талаб қўйиш тўғри эмас...



Бугунги кунда ҳудудимизда жами 135 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Шундан 80 таси якка тартибдаги тадбиркор, 35 таси юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган корхонадир. Шунингдек, 39 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида меҳнат фаолиятини олиб бормоқда.

Бобурбек АШУРОВ, Қоракўл туманидаги “Дўстлик”, “Тинчлик”, “Тайқир” маҳаллалари солиқ инспектори.

Жорий йил бошидан буён ҳудудимизда илгари фаолияти тўхтаб қолган 15 га яқин тадбиркорлик субъектининг ишини қайта тиклашга эришдик. Яна 100 нафарга яқин фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтди. Бу натижаларга эришишда тадбиркорлар ва аҳоли билан манзилли ишлаш, солиқ қонунчилигидаги талабларни содда ва тушунарли тарзда етказиш муҳим аҳамият касб этди.

Фаолиятимизда “Солиқчи — тадбиркорга кўмакчи” тамойилига алоҳида эътибор қаратамиз. Чунки тадбиркорликни ривожлантириш учун фақат талаб қўйишнинг ўзи етарли эмас. Тадбиркор дуч келаётган муаммони билиш, унга қонуний ечим топишда ёрдам бериш ҳам зарур.

Бунга биргина тадбиркор Жалол Абдимуродов фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. У трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонасини дастлаб 5 нафар ишчи билан ташкил этган эди. Тадбиркор билан мунтазам ҳамкорлик қилиш, солиқ қонунчилигидаги янгиликларни тушунтириш, мавжуд имтиёз ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш бўйича кўмаклашиш натижасида корхона фаолиятини босқичма-босқич кенгайтирди. Бугунги кунда бу ерда 34 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган.



Бу, аввало, тадбиркорнинг ташаббуси ва меҳнати самарасидир. Бизнинг вазифамиз эса унинг қонуний фаолият юритиши, ишчиларни расмийлаштириши ва ишлаб чиқаришни кенгайтириши учун зарур тушунтириш ва амалий кўмакни кўрсатишдан иборат.

Шунингдек, тадбиркорлар билан ишлашда солиқларни ўз вақтида тўлаш, мавжуд қарздорликларни тартибга солиш, қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш имкониятларини тушунтиришга эътибор қаратамиз. Айрим тадбиркорлар солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлардан етарлича хабардор бўлмагани сабабли муаммоларга дуч келиши мумкин.

Жорий йил давомида маҳаллаларда солиқ органлари фаолиятини ахборот тизими орқали баҳолаш натижаларига кўра, ҳудудимиз вилоят солиқ инспекторлари ҳиссаси юқори бўлган ҳудудлар қаторидан жой олди. Бу натижа, аввало, жойларда олиб борилаётган ҳамкорлик, тадбиркорлар билан манзилли ишлаш ва аҳолини тадбиркорликка жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг самарасидир.

Келгусидаги асосий мақсадимиз — ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини янада кўпайтириш, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва ҳар бир фуқаронинг қонуний даромад топишига кўмаклашишдир.

ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ ЙЎҚОЛСА, ҚАЙТА ИМТИҲОН ТОПШИРИЛАДИМИ?

МЕНДА САВОЛ БОР...

Барно ҒУЛОМОВА. Андижон вилояти:

— Ҳайдовчилик гувоҳномасини олганимга икки йил бўлди, лекин уни йўқотиб қўйдим. Энди қайта имтиҳон топширишим керакми ёки имтиҳонсиз янги гувоҳнома олсам бўладими?



Жўрабек НАБИЕВ, ҳуқуқшунос:

— Вазирлар Маҳкамасининг “Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, йўқолган (ўғирланган, ёнғин, табиий офат оқибатида ва бошқа ҳолларда) миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг дубликати ҳайдовчининг аризасига мувофиқ, имтиҳонларсиз берилиши белгиланган.

Бу ҳолатда шахс номида ҳақиқатда гувоҳнома борлиги ҳақидаги маълумотлар Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали текширилади.

Демак, сиз ҳайдовчилик гувоҳномангизни йўқотган бўлсангиз, қайта имтиҳон топширишингиз талаб этилмайди.



Тошкент шаҳридаги “Ёшлар ижод” саройида 4-5 ноябрь кунлари “ОЛТИН КУЗ” ИҚТИДОРЛИ ИЖОДКОР ЁШЛАР ФОРУМИ ташкил этилади.



Академик лицейларнинг ҳар тўртинчи ўқувчиси ОЛИЙГОҲГА КИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ТАЙЁРГАРЛИК ЗАРУРЛИГИНИ билдирди.



Ўзбекистонда олийгоҳ битирувчиларининг БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДИ АСОСИДА индекс шакллантирилади.

ТАҲЛИЛ

МИЛЛИАРД СЎМЛИК ҚУРИЛИШЛАР сифати ва назорати қандай бўлиши керак?

“Ташаббусли бюджет” тизими фуқароларга давлат бюджети маблағларини тақсимлашда бевосита иштирок этиш, ўз ҳудудидаги долзарб муаммоларни илгари суриш ва овоз бериш орқали уларни ҳал қилиш имконини берди.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Бироқ лойиҳанинг ғолиб бўлиши муаммонинг ҳал этилганини англатмайди. Аксинча, шундан кейин янада масъулиятли босқич — ажратилган маблағнинг мақсадли сарфланиши, қурилиш ишларининг белгиланган талаблар асосида бажарилиши ва натижанинг аҳоли кутган даражада бўлиши бошланади. Мисол учун, Шофиркон тумани “Жўйрабод” маҳалласидаги ариқни бетонлаштириш ишлари айнан шу босқичдаги муаммоларга эътибор қаратишга ундайди.

Маҳалла раиси Жўрабек Ҳакимовнинг қайд этишича, бетон бўш тупроқ устига қуйилган, айрим жойларда ёриқлар пайдо бўлган. Ариқнинг фақат 3 километри бетонлаштириляпти, хонадонларга олиб борувчи кўприклар бузилиб, қайта тикланмаган. Янги асфальт йўлнинг бузилган қисми ҳам аввалги ҳолатига келтирилмаган. Оқибатда аҳоли чангли йўлдан фойдаланишга мажбур.

Маълумотларга кўра, ушбу лойиҳа учун 1 миллиард 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Шундай экан, уни амалга ошириш жараёнида фақат ариқнинг бетонланган қисми эмас, балки атрофдаги инфратузилма, аҳолининг кундалик ҳаракати ва хавфсизлиги ҳам ҳисобга олиниши шарт эмасми?

ЛОЙИҲА ҒОЛИБ БЎЛДИ, АММО КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА КИМ МАСЪУЛ?

“Ташаббусли бюджет”да фуқаролар лойиҳани танлайди ва овоз бериш орқали голибни белгилайди. Кейин эса лойиҳани амалга ошириш учун пудратчи ташкилот давлат харидлари тартибида танланади. Қурилиш ишларини ташкил этиш, техник назорат ва объектни қабул қилишда бир нечта ташкилот иштирок этади.

Ҳудудий ҳокимликлар лойиҳалар ижросини мувофиқлаштириш ва назорат қилишда масъул ҳисобланади. Қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси эса ўз ваколати доирасида давлат назоратини амалга оширади. Жамоатчилик назоратини маҳалла олиб боради. Демак, масъулият тақсимланган. Аммо амалиётда энг муҳим савол очиқ қолмоқда: қурилиш жараёнида нуқсон пайдо бўлса, уни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни ким таъминлайди?

Масалан, ариқ бетонлаштирилаётганда асоснинг ҳолати, бетоннинг таркиби ва қалинлиги, қурилиш технологиясига риоя қилиниши текширилиши керак. Бу ишлар бетон қотиб бўлгандан кейин эмас, айнан жараён давомида назорат қилинади. Бундан ташқари, қурилиш жараёнида мавжуд йўллар, кўприклар, электр тармоқлари ва бошқа инфратузилмага зарар етказилмаслиги чоралари ҳам олдиндан белгиланиши лозим. Агар зарар етказилса, уни тиклаш кимнинг мажбурияти экани шартнома ва лойиҳа ҳужжатларида аниқ кўрсатилиши керак.

Шунга ўхшаш эътирозлар бошқа ҳудудларда ҳам учраб турибди. **Тошкент вилоятида** айрим ички йўлларни асфальтлаш ишларининг тез емирилиши, **Жиззах вилоятида** таълим муассасаларини таъмирлашдаги камчиликлар, **Наманган ва Фарғона вилоятларида** сув тармоқлари қурилиши ортидан кўчаларнинг тикланиши билан боғлиқ муаммолар жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолатларнинг ҳар бири алоҳида ўрганишни талаб қилади.

ШИКОЯТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЭМАС, МУАММОНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МУҲИМ

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи Азимжон Ҳасановнинг айтишича, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаларида жамоатчилик назоратини таъминлаш учун “Очиқ бюджет” порталида ҳам алоҳида имконият яратилган.

*— Фуқаролар лойиҳани амалга ошириш жараёнида бирор камчилик ёки норозиликка дуч келса, бу ҳақда бевосита “Очиқ бюджет” портали орқали хабар бериши мумкин, — **дейди**. — Порталда “Жамоатчилик назорати” бўлими мавжуд. Фуқаро ушбу бўлимга кириб, лойиҳадаги камчиликларни ёзма равишда баён қилиши, мавжуд бўлса, фото ва видеоларни ҳам илова қилиши мумкин. Келиб тушган мурожаатлар бизга тўғридан-тўғри кўриниб туради. Уларни ўрганиб, аниқланган камчиликлар бўйича тегишли туман ва вилоят ҳокимликларига расмий хатлар юборамиз ҳамда муаммоларни бартараф этишни талаб қиламиз. Камчиликлар тўлиқ бартараф этилмагунча, бу масала назоратимизда бўлади. Бундан ташқари, қурилиш ишларини назорат қилиш бўйича ҳудудларда махсус штаблар ташкил этилган. Прокуратура органлари ҳам ўз ваколатлари доирасида жараён устидан назорат олиб боради.*

Ҳасановнинг таъкидлашича, портал орқали лойиҳаларнинг амалга оширилиш ҳолати “яшил”, “сариқ” ва “қизил” тоифаларда баҳоланади. Агар ташаббускор фуқаро бажарилаётган ишлар сифатсизлигини билдириб, буни тегишли далиллар билан асосласа, лойиҳа “қизил” тоифада акс этади. Бу маълумот масъул ташкилотларга ҳам кўринади. Камчиликлар бартараф этилмагунча, лойиҳа бўйича муаммо назоратда сақланади.

Жамоатчилик назорати учун бундай тартибнинг мавжудлиги муҳим. Бироқ унинг самарадорлиги мурожаатлар сони билан эмас, улар асосида бартараф этилган камчиликлар билан ўлчаниши керак. Фуқаро фото ва видео юборди, вазирлик масъул ташкилотга хат йўллади — бу жараённинг бир қисми, холос. Асосий натижа шундаки, пудратчи нуқсонни бартараф этдими, бузилган инфратузилмани тикладими, объект қайта текширилдими?

Шу боис портал орқали келиб тушган ҳар бир асосли шикоят бўйича уни кўриб чиқиш муддати, масъул ташкилот, белгиланган чора ва якуний натижа очиқ акс эттирилиши мақсадга мувофиқ. Шикоятга “ўрганилмоқда” деган жавоб берилиши билан иш тугаслиги керак. Аҳоли муаммо ҳал этилганини кўриши ва бу ҳақда маълумот олиши лозим.

ҚУРИЛИШ СИФАТИГА ДОИР МАСЪУЛИЯТНИ АНИҚ БЕЛГИЛАШ КЕРАК

Бу борада назорат тизимини янада амалий натижага йўналтириш учун бир нечта чора муҳим.

Биринчидан, ҳар бир ғолиб лойиҳа бўйича буюртмачи, пудратчи, техник назоратчи, ишларни якунлаш муддати ва асосий техник кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни “Очиқ бюджет” порталида очиқ эълон қилиш зарур. Бу аҳолига ишларни ким бажараётганини билиш, масъулларга эса ўз вазифаси доирасида ҳисобдор бўлиш имконини беради.

Иккинчидан, қурилишнинг муҳим босқичларида техник назоратни кучайтириш лозим. Масалан, йўл қурилишида асос ва қоплама қатламларининг сифати, ариқ бетонлаштиришда асоснинг тайёрланиши, бетоннинг қалинлиги ва мустаҳкамлиги, сув тармоқларида эса қувурларнинг герметиклиги текширилиши керак.

Учинчидан, пудратчи ташкилотнинг қурилиш жараёнида мавжуд инфратузилмага етказган зарарини бартараф этиш мажбуриятини қатъий белгилаш керак. Бунинг учун лойиҳа бошланишидан олдин ҳудуднинг мавжуд ҳолати қайд этилиши, иш якунлангач эса йўллар, кўприклар ва бошқа объектлар аввалги ҳолатига келтирилгани текширилиши лозим.

Тўртинчидан, сифатсиз иш бажарган пудратчилар ва ўз вазифасини лозим даражада бажармаган масъулларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилиши керак. Нуқсонларни бартараф этиш муддати белгиланиши, қайта текширув ўтказилиши ва натижалар жамоатчиликка маълум қилиниши шарт.

“Ташаббусли бюджет”нинг моҳияти фуқароларга овоз бериш ҳуқуқини бериш билангина чекланмайди. Бу — аҳоли танлаган муаммони давлат маблағи ҳисобидан ҳал қилиш ва унинг натижаси учун жавоб бериш тизими. Шунинг учун голиб лойиҳа бўйича ажратилган маблағ ўзлаштирилгани эмас, одамлар қандай шароитга эга бўлгани асосий мезонга айланиши керак. Ана шунда миллиардлаб сўм маблағ ўзининг ҳақиқий қийматини намоён этади.

МУЛОҲАЗА

Фолбинлик: инсон тақдири билан савдолашишга ким чегара қўяди?

...Бир куни шом вақтида қўшнининг ҳовлисидан бақир-чақир эшитилди. Манзура ая: “Тинчликми?”, — дея қўшниникига югурди. Қўшни ёш оила, иккита фарзанди бор эди. Оилада ичкилик туфайли тез-тез жанжал бўлиб турарди. Навбатдаги жанжалдан кейин келин ота-онасиникига кетиб қолган.

Ҳилола МАҲМУДОВА, журналист.

Баъзилар йигитга “Фол очтириб кўр”, деб маслаҳат беришган экан. Бошқа маҳалладаги фолбинга борганида, у “Кўзимга бошқа эркак кўриняпти, аёлинг ўрнингни бошқа эркакка алмаштирган”, дейди. Йигитга бу гап қаттиқ таъсир қилади. Бир гал Манзура ая қўшнисиникига чиққанида, йигит ўзини осмоқчи бўлиб турган экан. Ҳай-ҳайлаб, тинчлантиришга ҳаракат қилди, қандай гаплигини билгач: “Аёлингни тартиблилигини ҳамма билади, фолбинлар озгина келганини айтаверади, бундай бемаъни хаёлларни бошингдан чиқариб ташла, иккита гулдек фарзандинг бор, ичкиликни ташла, болам”, деб маслаҳат берди. Шундан сўнг, маҳалла фаоллари ўртага тушиб, келинни олиб келишди, оилани яраштириб қўйишди...

Бу бир тақдир. Афсуски, бундай воқеалар талайгина. Бир фолбиннинг асоссиз гапи туфайли бир инсон ўз ҳаётига зомин бўлиш даражасига етган бўлса, бошқа бир оилада айни шундай уйдирмалар эр-хотин, қайнона-келин, ака-ука ёки бошқа яқинлар орасига нифоқ солиши мумкин. **Энг ачинарлиси, инсонлар муаммоларини ҳал қилиш ўрнига, уларнинг ечимини фолбинлардан излашга одатланиб қолганидир.**

Бугун оилавий низоларни бартараф этиш, фарзандли бўлиш, йўқотилган нарсани топиш, лавозимга кўтарилиш, мерос масалаларини ҳал қилиш, ҳатто эр-хотиннинг орасини бузиш ниятида ҳам фолбинларга бораётганлар учрайди. Аввалари бундай жойларда, асосан, аёлларни кўрган бўлсак, бугун баъзи эркаклар ҳам фолбинлар эшигида навбат кутмоқда. Бир инсоннинг қалбига шубҳа солиш учун бир неча дақиқа кифоя, аммо йўқотилган ишончни қайта тиклаш учун йиллар ҳам етмаслиги мумкин.

Ислом динида сеҳрни ўрганиш ман қилинган. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу айтадилар: “Фолбин – сеҳргардир, сеҳргар эса – кофирдир”. Фолбинлар шаръий китобларда “коҳин”, “арроф” номи билан ҳам юритилган.

Содда инсонларнинг ишончидан фойдаланаётган бундай кимсалар сафи кенгайиб бораётгандек. Ҳатто кўча-кўйда ҳам қўлида кўзмунчоқ, исириқ ва бошқа буюмларни тутган аёллар фол очишни таклиф этади. Ижтимоий тармоқларда эса “йўлингизни очамиз”, “сеҳрни қайтарамиз”, “келажагингизни айтамиз”, каби ваъдалар билан мижоз излаётганларни учратиш мумкин.

Бу ҳолатга қачонгача бефарқ қараймиз? Инсонларнинг қўрқуви ва ишонувчанлиги ҳисобига кун кўришнинг ҳам чегараси бўлиши керак эмасми?

Айрим давлатлар бу масалага қонунчилик даражасида ёндашмоқда. Масалан, қўшни Тожикистонда фолбинлик ва сеҳргарлик учун 10-15 суткагача маъмурий қамоқ ёки жарима, такроран содир этилганда эса 1-2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Эътиборлиси, 2025 йил декабридан фолбинлар хизматидан фойдаланган шахслар учун ҳам жарима жорий этилди.

Хўш, бизда-чи? Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фолбинликнинг ўзи учун алоҳида умумий жиноят таркиби мавжуд эмас. Бироқ фолбин одамни алдаб, унинг пули ёки мол-мулкини қўлга киритса, бу Жиноят кодексининг 168-моддасига мувофиқ, фирибгарлик сифатида баҳоланиши мумкин. Демак, қонун бундай алдовларга нисбатан чора кўриш имконини беради.

Аммо бир савол туғилади: фолбиннинг фаолиятига фақат у бировнинг пулини ўзлаштиргандан, мол-мулкини қўлга киритгандан ёки фирибгарлиги фош бўлгандан кейингина ҳуқуқий баҳо беришимиз керакми? У ҳолда фолбиннинг асоссиз башоратлари туфайли бузилган оилалар, ака-ука ўртасидаги мерос ёки сеҳр-жоду ҳақидаги гумонлар сабаб келиб чиққан низолар, инсон руҳиятига етказилган зарар-чи? Буларни ҳам кимдир молидан ёки жонидан айрилгандан кейингина муаммо сифатида кўришимиз керакми? Ахир бир оиланинг пароканда бўлиши ёки яқин қариндошларнинг бир-бирига душман бўлиб қолиши ҳам жиддий ижтимоий оқибатдир.



Шу боис мамлакатимизда айнан фолбинлик ва сеҳргарлик билан шуғулланишга нисбатан алоҳида ҳуқуқий жавобгарлик белгилаш масаласини кўриб чиқиш вақти келди. Бунда фаолиятни мунтазам равишда реклама қилиш, одамларни қўрқитиб хизмат таклиф этиш, сеҳрни қайтариш ёки тақдирни ўзгартириш баҳонасида пул ундириш ҳолатлари ҳам алоҳида ҳуқуқий баҳоланиши лозим. Ижтимоий тармоқлардаги бундай рекламаларни чеклаш, ноқонуний фол очиш хизматларини аниқлаш ва жабрланганларнинг мурожаатларини тезкор кўриб чиқиш усулларини яратиш ҳам муҳим.

Бироқ қонуний чоралар билан бир қаторда, одамларни фолбинларга мурожаат қилишдан қайтарадиган таъсирчан маърифий ишлар ҳам олиб борилиши керак. **Маҳаллаларда эса “сеҳр қилинган”, “йўли боғланган” каби гумонлар билан яшаётган инсонларга диний уламолар, психологлар ва ҳуқуқшунослар иштирокида тушунтириш бериш амалиётини йўлга қўйиш зарур.** Зеро, одамлар фолбин эшигига боришдан олдин бир нарсани англаб етиши керак: у ерда муаммосига ечим эмас, балки янги муаммо, қўрқув ва йўқотишларга дуч келиши шубҳасиз.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА...

Илм олса ёшу қари бир бошдан, Халқим бошда тожинг бўлар қуёшдан...

Баъзи китоблар бор, уларни шунчаки ўқимайсиз – улар билан суҳбат қурасиз, ўз қалбингизга қулоқ тутасиз, ҳаёт ва инсон ҳақида янгича ўйлай бошлайсиз. Шоир Саъдулла Аҳмаднинг “Ишроқ” шеърий тўплами ана шундай асарлардан биридир.



“Ишроқ” тўпламига киритилган 300 дан ортиқ шеър шоирнинг йиллар давомида кўнгил қаърида асраб-авайлаган ўй-кечинмалари, руҳий изланишлари, ҳаётий кузатишлари ва фалсафий хулосаларининг бадиий ифодасидир. Бу шеърларда инсон ва борлиқ, ер ва осмон, умр ва абадият, ҳақиқат ва ҳақиқат изловчи қалб ўртасидаги мураккаб муносабатлар акс этади. Шоир ўқувчини тайёр хулосалар сари етакламайди, аксинча, уни фикрлашга, мушоҳада юритишга, ўз ички дунёсига назар ташлашга ундайди.

“Ишроқ” сўзининг ўзидаёқ ёруғлик, қалбнинг нурланиши, руҳий уйғониш маънолари мужассам. Китобни мутолаа қилган сари бу номнинг мазмуни янада чуқурроқ англашилади. Гўё ҳар бир шеър инсон қалбининг бир чеккасида сўниб бораётган бир нурга ҳаёт бағишлайди. Айрим мисралар ўқувчини ҳаёт ҳақида чуқур ўйга толдирса, бошқалари эзгуликка, илмга, маърифатга ва инсонийликка бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Шоирнинг: “Илм олса ёшу қари бир бошдан, Халқим бошда тожинг бўлар қуёшдан”, деган сатрлари ҳам тўпламнинг маърифатпарварлик руҳини ёрқин ифодалайди. Бу мисраларда илмни миллат камолотининг асосий шарти, деб билган, халқининг келажагини нурли ва юксак тасаввур этган ижодкорнинг эзгу орзуси мужассам.

“Ишроқ” ўқувчига қандай таъсир қилади? Аввало, қалбни сокин мушоҳадага чорлайди. Инсонни ўз ҳаёти, босиб ўтган йўли, орзу-умидлари ва маънавий қадриятлари ҳақида ўйлашга ундайди. Унда ҳайрат, ўйчанлик, баъзан изтироб, баъзан эса умид ва руҳий кўтаринкилик уйғотади. Энг муҳими, мутолаа давомида ўқувчи шеърлардаги туйғулар орасидан ўзига таниш кечинмаларни топади, шоир билан қалбан яқинлашади.

МАСЛАҲАТ


ҲИСОБЛАГИЧ БУЗИЛСА, ҚАНДАЙ ТАЪМИРЛАНАДИ?

Хонадонингиздаги электр, газ ёки сув ҳисоблагич кутилмаганда ишламай қолса, уни таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш харажатлари кимнинг зиммасига тушиши ҳақида савол туғилиши табиий. Бундай ҳолатда истеъмолчи ҳисоблагични ўз ҳисобидан алмаштириши шартми?


Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида бу борадаги тартиб белгиланган.

Унга кўра, истеъмолчининг айбисиз ишдан чиққан ҳисоблагичларни таъмирлаш ёки алмаштириш билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳисобидан қопланади. Яъни, ҳисоблагич табиий равишда носоз ҳолга келган бўлса, уни таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш харажатларини автоматик равишда истеъмолчи зиммасига юклаш мумкин эмас.

Бироқ ҳисоблагичга истеъмолчининг айби билан зарар етказилган ёки унинг тамғаси бузилган бўлса, ҳолат алоҳида тартибда кўриб чиқилади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Фуқароларга “my.gov.uz” орқали оиласини “Ижтимоий реестр”га киритиш рад этилгани юзасидан ЭЛЕКТРОН ШИКОЯТ ЮБОРИШ ИМКОНИЯТИ яратилди.



Электр энергияси ва табиий газ учун компенсация тайинлашда бир кишига тўғри келадиган ЎРТАЧА ОЙЛИК ДАРОМАД МЕЗОНИ 1 430 000 сўмга оширилди.



Миллий статистика қўмитаси: 2026 йилнинг январь-сентябрь ойларида метрополитен орқали 225,7 МИЛЛИОН НАФАР ЙЎЛОВЧИ ТАШИЛГАН.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ОСМОНЎПАР БИНОЛАР ВА ЕРДАГИ МУАММОЛАР...

Баланд бинолар, замонавий тураржой мажмуалари, янги хонадонлар... Булар тараққиёт белгисидек кўринади. Аммо шаҳарнинг қиёфаси ўзгаргани билан унда яшаш сифати яхшиланяптими? Пиёда юришга йўлак, машина қўйишга жой, болалар ўйнашига майдонча, дарахтлар соясида дам олиш учун маскан топилмаса, бундай қурилишларни қай даражада замонавий, деб аташ мумкин?

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, журналист.



Бугун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида қурилиш суръати тобора жадаллашмоқда. Бир вақтлар паст қаватли бинолар ва ҳовлилар жойлашган ҳудудларда баланд-баланд тураржойлар қад ростлаяпти. Янги мавзелар, савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари пайдо бўлмоқда. **Бироқ шаҳарнинг янги қиёфаси инсоннинг яшаш тарзи ва эҳтиёжларига қанчалик мос келяпти?**

Афсуски, айрим янги қурилаётган тураржой мажмуаларига назар ташласангиз, **замонавий шаҳарсозлик талаблари билан амалдаги ҳолат ўртасида катта тафовут борлигини кўрасиз. Кўп қаватли бинолар йўлларга ҳаддан ташқари яқин қурилган, хонадонларга кириш-чиқиш йўллари ва пиёдалар ҳаракати етарлича ўйланмаган. Автомобиллар учун тўхташ жойлари ҳам кўп ҳолларда аҳоли эҳтиёжини қондирмайди.**

Кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватларида дўконлар, кафелар ва турли хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлаштирилмоқда. **Аммо уларга келган мижозлар автоуловларини қаерга қўйиши керак?** Натижада йўл четлари ва пиёдалар ҳаракати учун мўлжалланган жойлар ҳам автомобиллар билан тўлиб кетади. Бу эса тирбандлик, ҳаракат хавфсизлиги ва кундалик турмушдаги ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Аслида, тураржой мажмуасини лойиҳалашда унда яшайдиган ва атрофидан фойдаланадиган одамлар эҳтиёжи ҳам ҳисобга олиниши керак. Зеро, уй-жой қуриш — фақат девор кўтариш эмас, балки бутун бир яшаш муҳитини яратиш демакдир.

ДАРАХТЛАР ШАҲАР БЕЗАГИ ЭМАС, ТОЗА ҲАВО ТАЪМИНОТИДИР

Шаҳарсозликдаги энг жиддий муаммолардан яна бири — яшил ҳудудларнинг қисқариб бораётганидир. Айрим янги мавзеларда бинолар зич жойлаштирилиши оқибатида дарахт экиш, болалар майдончаси ва аҳоли дам оладиган очиқ майдонлар учун жой деярли қолмаяпти. Хусусан, пойтахтимизнинг “Янги Дархон” мавзесида истиқомат қилувчилар бу йилги ёзнинг жазирамасида соя-салқин жойлар ва кўкаламзор ҳудудлар етишмаслигини ўз таналарида ҳис қилишди.

Дарахтлар шаҳарнинг шунчаки безаги эмас. Улар ҳавони тозалаш, ҳароратни меъёрлаштириш, чангни камайтириш ва аҳоли учун соғлом муҳит яратишда муҳим ўрин тутади. Шу боис кўкаламзорлаштириш қурилишдан кейин қолган бўш жойларни ободонлаштириш эмас, балки лойиҳанинг бошиданоқ кўзда тутилиши зарур бўлган вазифадир.

МЕЪМОРЧИЛИКДАГИ ХАТО ЙИЛЛАР ДАВОМИДА СЕЗИЛАДИ

— Осмонўпар бинолар ва меъморий рамзга айланган иншоотлар ҳар қандай ҳудудга ҳам мос келавермайди, — дейди архитектор Мария Султонова. — Уларни жойлаштиришда ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши керак. Масалан, аҳоли зичлиги паст бўлган манзилларни ривожлантиришда фақат биноларни янгилаш ёки кўчаларни ободонлаштириш билан чекланиб бўлмайди. Асосий вазифа — ўзгаришлар одамлар ўрганган муҳитни бузмаслиги, аксинча, унинг ривожланишига хизмат қилишига эришиш. Наманган вилоятидаги “Шўрариқ” маҳалласини қайта қуриш лойиҳасида ҳам шу жиҳатларга эътибор қаратилган. Лойиҳалаш жараёнида ҳаво оқимининг ҳаракати, биноларнинг қуёшга нисбатан йўналиши, деразаларнинг жойлашуви, албатта, ҳисобга олиниши керак. Масалан, деразалар жануб ёки ғарб томонга қараган ва тўғридан-тўғри қуёш нурларидан ҳимояланмаган бўлса, хонадонлар ҳаддан ташқари қизиб кетади. Натижада аҳоли айвонларни ёпишга, қўшимча ҳимоя воситалари ўрнатишга мажбур бўлади. Ваҳоланки, бундай муаммоларнинг олдини лойиҳалаш босқичидаёқ олиш мумкин.

Архитектор шаҳарсозликдаги ҳар бир қарор узоқ йиллик оқибатларга эга эканини ҳам таъкидлайди. **Унинг қайд этишича, бугун қабул қилинган лойиҳавий ечимларнинг ҳақиқий натижаси ўн-ўн беш, ҳатто йигирма йилдан кейин намоён бўлади.** Шу боис аҳоли сони, иқтисодий ўсиш ва қурилиш ҳажми ортиб бораётган бир шароитда келажакдаги шаҳар муҳитини бугунданоқ пухта режалаштириш муҳим.

НАЗОРАТ ЛОЙИҲАДАН БОШЛАНИШИ КЕРАК

Айрим ҳолларда камчиликлар бинолар қурилиб, аҳоли кўчиб киргандан кейин яққол кўзга ташланади. Пиёдалар йўлаги йўқлиги, автомобиллар учун жой етишмаслиги, яшил ҳудудларнинг камлиги ёки бинолар орасидаги масофанинг ноқулайлиги шулар жумласидан.

Бироқ назоратнинг вазифаси қурилиш тугагач, камчиликларни санаб чиқишдан иборат эмас. **У лойиҳалаш босқичидан бошланиши, қурилишнинг ҳар бир жараёнида давом этиши зарур.** Қурувчи ташкилотлар билан бир қаторда лойиҳачи, буюртмачи ва назорат қилувчи идоралар ҳам ўз масъулиятини чуқур ҳис қилиши керак.

Энг аввало, **қурилишга рухсат беришдан олдин ҳудуднинг транспорт юкламаси, пиёдалар ҳаракати, автотураргоҳлар, ёнғин хавфсизлиги, яшил майдонлар ва ижтимоий инфратузилма имкониятлари мажмуавий ўрганилиши** лозим. Лойиҳада белгиланган талаблар қурилиш жараёнида ўзгариб кетмаслиги, фойдаланишга топширишда эса уларнинг амалда бажарилгани текширилиши шарт.

Чунки қурувчи тадбиркор учун ернинг ҳар бир қаричи иқтисодий манфаат бўлиши мумкин. Аммо шаҳар учун ўша майдоннинг бир қисми пиёдалар йўлаги, дарахтзор, болалар майдончаси ёки дам олиш ҳудуди сифатида жуда катта аҳамиятга эга. Бу манфаатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш эса, аввало, давлат назорати ва пухта режалаштиришга боғлиқ.

ОҒРИҚ НУҚТАЛАР...

Бекат. Автобусни кутаётган одамлар. Кимдир телефонга тикилган, яна бироз йўлдан кўз узмайди. Шу пайт бекатга бир йигит яқинлашади. У оёгидаги оқсоқлик сабаб қадамни оғир, бироз чайқалиб ташларди.

ИНСОН СОҒЛОМ БЎЛИБ ТУРИБ, ВИЖДОН ХАСТАЛАНГАНИ ЁМОН

Моҳичеҳра ЭШМИРЗАЕВА, журналист.

Бекатдаги бир неча ўсмирнинг нигоҳи бирданига унга қадалди. Аммо улар ўзлари томон атрофдагилардан бошқачароқ бир ҳолда келаётган инсонга шунчаки қараб қўйишмади. Шу пайт бу тенгқурлардан бири қаддини бироз букди. Энди у оқсаётган йигитнинг юришига сезилар-сезилмас тақлид қила бошлади. Унинг бу қилигига шериклари мириқиб кулди.

Афсуски, йигит буни пайқади. Нигоҳи ерга қадалди. Билдирмасликка уринди. Аммо юзидаги оғриқ ва синиқликни яшира олмади.

Кўп ўтмай автобус келди. Ўсмирлар бақир-чақир қилганча уловга чиқиб кетишди. Бояги йигит эса синган қалби билан бўм-бўш бекатда қолди...



Жамиятимизда кўзга ташланмайдиган, ҳеч бир замонавий тиббий қурилма илғай олмайдиган оғир бир хасталик бор. Бу ўзганинг нуқсонига томоша сифатида қараш дарди, бировнинг дардини масхарага айлантириш иллати.

Кўчада ногиронлиги бор инсонга дуч келсак, кўзимиз унга шундай қадаладики, у қаерга қочишни билмай хижолат тортади. Баъзан эса табиий бир қараш ўрнини пичинг, мазах ва очиқдан-очиқ калака эгаллайди. Одам ўзининг қандай дунёга келишини танламайди. Аммо қандай инсон бўлиб яшашни ҳар ким ўзи танлай олади. Аъзолар соғлом бўлиб, виждон хасталангани эса энг оғриқли бўлади.

Оғриқнинг яна бир илдизи оилага бориб тақалади. Баъзан махсус эҳтиёжли фарзанд туғилган хонадонда меҳр ҳам синовдан ўтади. Кимдир боласини бағрига босиб, уни оёққа қўйиш учун борини беради. Яна бошқа биров бундай ҳолатда уялади. Маҳалла-қўйдан, қариндошлардан яширишга уринади. Болани фақат моддий таъминот, давлат нафақаси ажратилгани учун парваришлаётгандай бўлади. Унинг орзулари, қалби, таълим олиши ва одамлар орасига қўшилишини унутиб қўядиганлар ҳам учрайди.

Ваҳоланки, бола нафақа учун эмас, фарзанд бўлгани учун ардоқланиши керак. Ҳимоя қиламан, деб уни тўрт девор ичига қамаб қўйиш меҳр саналмайди. Бу уларни ҳаётдан ажратиб ташлаш саналади.

Бола катталарнинг кимгадир бармоқ билан ишора қилиб кулганини кўрса, буни одатий ҳол деб тушунади. Фарзандларга ногиронлиги бор инсонни оиладаёқ ҳурмат қилиш ўргатилмаса, кўчада меҳрсизлик илдиз отади.

Биз кўпинча хайрия қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш ҳақида гапирамиз. Лекин баъзан энг катта кўмак маблағ ажратишда эмас. Энг яхши ёрдам ногиронлиги бор одамга дуч келганда юзини бурмаслик, унинг ҳаракатларини ҳазил мавзусига айлантирмасликдир. Зеро, ногиронлик инсоннинг қадрини туширмайди. Бировнинг нуқсони устидан кулиш эса инсонийликни йўққа чиқаради.

...Автобус аллақачон кўздан гойиб бўлган. Шаҳарнинг шовқинли ҳаёти ҳеч нима бўлмагандек давом этмоқда. Йўл четидаги бекатда эса ўша йигит ҳамон турибди. У кейинги автобус келишини кутяптими ёки қалбига санчилган нигоҳлар оғриги босилишиними? Бу саволнинг жавобини эса ҳеч ким билмайди.

БИЛМАГАНГА БИЛГАН ҚИЗИҚ!

ДАВОЛАНИШ УЧУН ҚАНЧА МАБЛАҒ АЖРАТИЛАДИ?

“Барқарор иш ўринларини яратиш ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони билан “Аёллар дафтари” орқали хотин-қизларнинг тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди.



Янгиланган тартибга кўра, **аёлларнинг жарроҳлик амалиётини талаб этмайдиган даволаниш харажатлари учун** БҲМнинг 50 бараваригача, яъни 22 миллион сўмгача маблағ ажратилиши мумкин. Шунингдек, тиббий кўрикдан ўтиш харажатлари учун БҲМнинг 10 бараваригача — 4 миллион 400 минг сўмгача ёрдам кўрсатилади.

Янги тартибда **жарроҳлик амалиёти билан боғлиқ харажатларни қоплаш тизими** ҳам ўзгарди. Аввал жарроҳлик амалиёти харажатлари давлат тиббий суғуртаси бўйича келишувда белгиланган базавий нархлар доирасида қопланган бўлса, энди бемор қайси тиббиёт муассасасида даволанишидан қатъи назар, тақдим этилган шартномада кўрсатилган сумма тўлиқ қоплаб берилиши назарда тутилган.

Тиббий ёрдам олиш истагидаги хотин-қизлар ўзлари истиқомат қилаётган маҳалладаги хотин-қизлар фаолига мурожаат қилиши лозим.

Зарифа ИСКАНДАРОВА, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси.

СЎЗЛАРДА МАЪНО БОР, МАЪНОДА ФИКРАТ...

Ўзбек тилида қариндошликни билдирадиган кўплаб сўзлар бор. Бироқ уларнинг айримлари фақат бизнинг тилимизгагина хос сўз саналади. Жумладан, “қайнота”, “қайнона”, “қайноға”, “қайни”, “қайнэгачи”, “қайнсингил”, “муллака” каби сўзларни ҳамма халқлар тилидан ҳам топиб бўлмайди. Хўш, улар қандай маъноларни англатади.

“Қайин” ва “қуда-анда” қандай тушунилади?

Ёрқинжон ОДИЛОВ, филология фанлари доктори, профессор.

“ҚАЙИН”

Ўзбек тилида келин қилиш ва куёв кўриш билан юзага келадиган қариндошликни билдирадиган бу сўзларнинг маъноларини барчамиз тушунамиз. Бироқ ана шу сўзларнинг ҳаммасида учрайдиган “қайин” сўзининг маъносини ўзбек тили мутахассиси бўлмаган одам билмайди.

“Қайин” — энг қадимги ўзбек сўзларидан бири бўлиб, **“эрга нисбатан хотиннинг туғишганлари”** ва **“хотинга нисбатан эрнинг туғишганлари”** маъносини ифодалайди. Шундан келиб чиқсак, масалан, *“қайнота”* атамаси *“қайин”* ва *“ота”* сўзларидан ясалган. Агар келин *“қайнотам”* деса, эрининг отасини назарда тутган — “эрим томондан отам”, демоқчи бўлади. Агар куёв *“қайнотам”* деса, хотинининг отасини назарда тутган — “хотиним томондан отам”, демоқчи бўлади.

“ҚУДАҒАЙ”

Бу сўз ҳозирги кунда ***“қуда”*** сўзи билан бирга, ***“қуда-қудагай”***, деб қўлланади. Хўш, бу сўзнинг маъноси нима? “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *“қудагай”*, деб “аёл қуда, хотин қуда”га айтилган. Демак, *“қудагай”* сўзи қудалашган аёлларнинг ҳар иккисига нисбатан қўлланади. Масалан, куёвнинг онаси ҳам, келиннинг онаси ҳам бир-бирига нисбатан “қудағай” бўлади. Бу тушунтириш бизга “қуда” сўзининг дастлаб кимга қарата қўлланганини аниқлаштириб беради. **Агар *“қудагай”* “келин ёки куёвнинг онаси” бўлса, демак, *“қуда”* “келин ёки куёвнинг отаси”ни билдиради.** Халқимизга эркак ва аёл қудани фарқлаб ифодалаш зарур бўлган бўлса керакки, *“қуда-қудагай”* жуфт сўзини ижод қилган.



“Қудағай” сўзининг иккинчи маъноси ҳам бўлиб, қудалашган томоннинг қариндошларига нисбатан айтилади. “Қуданинг оши билан қудағайни сийлабди” мақолида ана шу тўғри маъно ифодаланган. Яъни мақол “қуда келтирган егуликлар билан маросимга келган қуда тараф кишиларини меҳмон қилиш” мазмунида қўлланган.

“ҚУДА-АНДА”

Қариндошлик муносабатлари билан боғлиқ суҳбатларда ***“қуда-анда”*** сўзи кўп ишлатилади. *“Қуда”* сўзининг-ку маъносини билиб олдик. **Хўш, *“анда”* дегани қандай маънони англатади, шуниси қизиқ?** *“Анда”* деганда, биз “қуданинг қудаси”ни назарда тутган бўламиз. Бу сўз қудачилик “борди-келди”лари икки қудалар билангина эмас, қудаларнинг қудалари билан ҳам бўлгани сабабли юзага келган. Яъни кишилар бири қиз бериб, иккинчиси келин қилиб қариндош бўлар эканлар, уларнинг қудачилик “борди-келди”ларида бошқа фарзандларининг қайнота-қайноналари ҳам муҳим ўрин тутади. Айниқса, ҳозирги кунда тўй-тантаналарга қуданинг қудасини ҳам чақириши урфга кирган. Ўзбек тилидаги “Шерикчилик – бир йилчилик, қудачилик – минг йилчилик” мақолида қудалашиш “борди-келди”лари аниқ ифода топган.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



МУҲАММАДИСМОИЛ РАҲМОНОВ Сенегалнинг Дакар шаҳрида ўтказилаётган IV ёзги ўсмирлар Олимпия ўйинларида Ўзбекистон делегацияси учун илк медални тақдим этди.



Хитойнинг Пекин шаҳрида ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ ҳақидаги китобнинг хитой тилидаги нашри чоп этилди.



Теннисчиларимиз Хитойда ўтказилган “WTA-250” туркумидаги мусобақанинг ЖУФТЛИК БАҲСЛАРИДА ЧЕМПИОНЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

Японияда бўлиб ўтган V Параосиё ўйинларида Маҳлиё Акрамова гурзи улоқтириш баҳсларида 24,08 метр натижа билан нафақат олтин медални қўлга киритди, балки мусобақанинг янги рекордини ўрнатди. Ушбу ғалаба хабари у яшайдиган маҳалла аҳлини ҳам беҳад хурсанд қилди.

“МАДҲИЯМИЗ ЯНГРАГАНДА КЎЗИМДАН ЁШ ТИНМАДИ...”

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

— Маҳлиёнинг галабасини эшитган кунимиз маҳалламизда ҳақиқий байрам бўлди, ***— дейди Фориш туманидаги “Хонбанди” маҳалласи раиси Шавкат Исломов.*** *— Уни болалигидан биламан, жисмоний имконияти чекланганига қарамай, ҳеч қачон ортга чекинмаган. Эрта тонгдан машғулотларга йўл олган қизимизнинг бугун халқаро майдонда Ватанимиз байрогини кўтариб, рекорд ўрнатгани бутун маҳалламиз, қолаверса, юртимизнинг фахридир. Маҳлиё ёшларимиз учун ирода тимсолига айланди. Маҳалламиздан шундай қаҳрамон қиз чиққанидан бошимиз кўкка етди.*



Спортчининг ўзи эса эришилган бу марраларни маҳалладошлари ва устозларининг тинимсиз дуолари меваси, деб билади. Дарҳақиқат, унинг қўлга киритаётган олтин медаллари, ўрнатаётган жаҳон рекордлари маҳалланинг ҳар бир хонадонига қувонч ва бахт олиб киркмоқда. Камтарлиги ва ўз юртига бўлган садоқати билан барчанинг меҳрини қозонган.

— Японияда шоҳсупага кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграётган сонияларда кўзим ёшланди, ***— дейди Маҳлиё Акрамова.*** *— Ўша лаҳзада мени ҳамиша қўллаб-қувватлаган онам Дилором Синдорова, маҳалладошларим кўз олдимдан ўтди. Спортга кириб келганимда кўпчилик шубҳа билан қараган эди, лекин яқинларимнинг, кўни-қўшниларнинг меҳри ва далдаси менга куч берди. Бу олтин медаль ва янгиланган натижа нафақат меники, балки дуо қилган бутун халқимизникидир. Ишончни оқлаганимдан бахтиёрман.*

Хулоса ўрнида айтганда, Маҳлиё Акрамова ўз иродаси билан инсон мақсад сари интилса, ҳеч қандай тўсиқ уни тўхтата олмаслигини кўрсатди. Форишлик оддий қизнинг Осиё рекордини янгилаши — Ўзбекистон параспортининг халқаро майдондаги кучини яна бир бор намойиш этди.

Унинг маҳалладошлари қалбига олиб кирган чексиз қувончи ва олтин медаллари юртимизда спортга, чемпионларга бўлган юксак эътиборнинг яққол намунасидир. Бундай матонат соҳиблари бор экан, Ватанимиз шаъни ҳамиша юксалаверади.

МУЛОҲАЗА

ДАВОМАТНИ ТАЪМИНЛАШ МУМКИН, АММО ТАЪЛИМ СИФАТИНИ КИМ КАФОЛАТЛАЙДИ?

Бугун жамиятимизда энг кўп муҳокама қилинаётган ва оғриқли мавзулардан бири — мактаблардаги давомат ва таълим сифати масаласидир. Президент фармони билан Ўзбекистонда мактабгача таълимдан олий таълим ва илм-фангача бўлган тизимни ягона бошқарувга бирлаштирувчи Таълим ва илм-фан вазирлиги ташкил этилгани ҳам бежиз эмас.

Эркин МУРОДОВ, Таълим ва илм-фан вазирлиги масъул ходими.



Ҳа, бугун таълим сифатидан тортиб, давоматгача муаммолар мавжуд. Расмий статистик маълумотларга кўра, Миллий гвардия жорий йил шу давригача республика бўйича мунтазам равишда дарс қолдириб келган 1 008 нафар ўқувчини аниқлади. Уларнинг 97 фоизи мактабга қайтарилди.

Болаларнинг таълимдан четда қолмаётгани, албатта, ижобий янгилик. **Аммо шу билан муаммо ҳал бўладими? Бола мактаб биносига кириб, синфда шунчаки ўтиргани билан билимли бўлиб қоладими? Унинг вақти беҳуда кетмаслигига, ҳақиқий билим олишига ким кафолат беради?**

Афсуски, ота-оналар фарзандига сифатли билим бериш учун мактабдан ташқари репетиторларга миллионлаб пул сарфлашга мажбур бўлмоқда. Ўқувчиларнинг бир қисми мактабга интилиб, завқ билан бориш ўрнига, қўнғироқ чалинишини ва дарс тугашини интизорлик билан кутишади. Хўш, бунга ечим борми?

Албатта, бу борада ижобий қадамлар ташланган. Жумладан, мактабларда синф юқорилаган сари ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш (дуал таълим) тизимини кучайтириш бўйича топшириқлар берилган. 2026-2027 ўқув йилидан бошлаб таълимда “5+1” дуал таълим тизими жорий этилиши эълон қилинган. Бунда ўқувчилар ҳам назарий билим олади, ҳам аниқ корхона ва ташкилотларда амалий касб ўрганиши кўзда тутилган.

Ислоҳотнинг натижаси, аввало, педагогнинг кундалик ишида сезилиши керак! Тарбиячи ва ўқитувчининг вақти — боланинг ҳаққи. Қарор ва меъёрлар педагогнинг ишини енгиллаштириши, таълим-тарбияга кўпроқ вақт ажратишига хизмат қилиши зарур.

Шу мақсадда Таълим ва илм-фан вазирлиги шакллантирган ишчи гуруҳ вилоятлардаги боғча ва мактабларда қарорлар, буйруқлар ҳамда меъёрий ҳужжатларнинг амалда қандай ишлаётганини ўрганди.

Қайси талаб ортиқча вақт оляпти? Қайси тартиб кундалик ишни қийинлаштиряпти? Тизимдаги қайси жиҳатни соддалаштириш керак? Бу масалалар бевосита тарбиячилар, ўқитувчилар ва масъуллар билан муҳокама қилинди. Мақсад — педагогнинг ташвишини камайтириш, меҳнатини қадрлаш ва болага кўпроқ эътибор қаратиши учун шароит яратиш.

Англаганингиздек, бу саъй-ҳаракатлар натижасида таълим сифати ва давоматни таъминлаш, ўқувчилар онгини билим билан ёритиш, қалбида фанларга меҳр уйғотиш мақсади ётибди.

Шундай экан, давоматни яхшилаш учун айрим таклифларни билдириб ўтишни жоиз топдик. Ҳар бир мактабда **аноним шикоятлар қутиси** (ёки Telegram-бот) ва кучли психологик қўллаб-қувватлаш хизмати йўлга қўйилса, шаффофлик таъминланади. Шунингдек, фақат намунали ўқувчиларни эмас, балки давоматини сезиларли даражада яхшилаган, илгари дарс қолдириб, кейин мактабга сурункали кела бошлаган ўқувчиларни ҳам рағбатлантириш керак.

Мактаб фақат баҳо оладиган жой бўлмаслиги, унинг ҳудудида болалар дарсдан кейин ҳам қолиб шуғулланиши учун **бепул “Wi-Fi” ва қулай шароитга эга спорт, киберспорт, робототехника, дебат клублари ва ижодий студиялар** ташкил этиш муҳим. Бола мактабни ўз ижтимоий макони сифатида севса, дарс қолдирмайди. Баъзан юқори синф ўқувчилари давоматни оилавий шароит, рўзғор тебратиш ёки мавсумий ишлар сабабли бузади. Бундай оилаларни аниқлаб, боланинг ўқишига шароит яратиши керак.

Қолаверса, **давомат учун бонуслар жорий этиш** ўқувчиларнинг мактабга тўлиқ келишини рағбатлантиради. Бунинг учун махсус рақамли тизим жорий этиш мумкин. Бир ой давомида дарс қолдирмаган ўқувчиларга “e-maktab” ёки махсус илова орқали бонус берилади. Бу ҳам мактабга келишга моддий ва маънавий рағбат уйғотади.

ФИКР

Бугун шаҳар кўчаларини кузатсангиз, кўзингиз қувнайди. Замонавий кийинган йигит-қизлар, зиёли қиёфасидаги инсонлар. Ташқи кўринишга, либос маданиятига асло гап бўлиши мумкин эмас. Аммо мана шу гўзал ташқи қиёфа ортида асл ички маданиятимиз қай аҳволда?

МАДАНИЯТ ФАҚАТ КИЙИНИШ БИЛАН БЕЛГИЛАНМАЙДИ

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ, Самарқанд шаҳридаги “Боғимайдон” маҳалласи раиси.

Қимматбаҳо русумдаги машина ойнасидан кўчага улоқтирилган писта пўчоғи ёки сув идиши, бекатда чиройли кийинган қизнинг оёғи остига ташлаб кетган музқаймоқ қоғози, хиёбонлардаги нафис гулларнинг юлиб кетилиши — бугун тез-тез кўзимиз тушадиган оддий ҳолатларга айланиб қолмадими? **Хўш, нега биз фақат кийинишимизда, ташқи кўринишимизда маданиятли бўлиб, жамоат жойларида асл “маданиятсизлигимиз”ни кўрсатиб қўяпмиз?**

Ўз уйимизни, ҳовлимизни чиннидек тоза тутамиз. Саҳар туриб кўчаларга сув сепамиз. **Чунки қўшнилар нима дейди, деган андиша бор.** Аммо остона ҳатлаб кўчага чиққанимиздан кейин, бутун шаҳар гўё “бизники эмас”дек туюлади. Маҳалла, хиёбон, автобус ёки метро — бу жойларнинг тозалиги учун фақат фаррошлар масъулдек тутамиз ўзимизни.



Муаммо шундаки, маданиятни фақат визуал гўзаллик, деб тушуниб қолдик. Чиройли кийиниш, бу — маданиятнинг атиги бир бўлаги, холос. Энг катта ва асосий қисми эса инсоннинг атроф-муҳитга, жамиятга ва ўзгаларга бўлган ҳурматида намоён бўлади. Ички маданияти тоза бўлмаган инсоннинг энг қимматбаҳо либоси ҳам маънавий қашшоқлигини яшира олмайди.

Жамоат жойида бирор киши чиқиндини кўчага ташласа, кўпинча индамаймиз. “Менга нима, ўзининг тарбияси йўқ экан-да”, деб ўтиб кетамиз. Мана шу лоқайдлик ва бефарқлик жамиятни ичидан емирувчи энг хавфли иллатдир.

Бир ўйлаб кўринг, биз фарзандларимизга қандай ўрнак бўляпмиз? Боласининг кўз ўнгида сигарет қолдиғини ерга улоқтирган ота кейинчалик ўғлидан қандай маданият талаб қилиши мумкин? Мактабда “Табиатни асранг”, деган мавзуни ўтиб, амалда мактаб ҳовлисига қоғоз ташлаб кетувчи авлод шаклланаётгани ачинарли эмасми?

Маданият, бу — баландпарвоз шиорлар ёки минбарларда айтиладиган чиройли гаплар эмас. Ушбу оғриқли муаммодан қутулиш учун фақатгина маъмурий жарималар ёки назорат камералари камлик қилади. Биз фикрлашимизни, дунёқарашимизни ўзгартиришимиз шарт!

Бунинг учун **“Менинг уйим — менинг ватаним”** тушунчасини шакллантириш, мактаб, кўча ва хиёбонлар ҳам худди ўз уйимиздек **азиз ва дахлдор** эканини қон-қонимизга сингдиришимиз керак.

Кўчага чиқинди ташлаётган, атрофни ифлослантираётган одамни кўрганда лоқайд бўлмай, унга сукут билан эмас, балки **одоб доирасида танбеҳ беришни** ўрганишимиз лозим.

Фарзандларимиз биз айтган гапларни эмас, қилаётган ишларни такрорлайди. Аввало, ўзимизни тарбиялашимиз зарур.

Хулоса ўрнида, либосимизнинг нафислиги қалбимиз ва амалларимиз гўзаллиги билан уйғунлашгандагина ҳақиқий маданиятли миллатга айланамиз. Кўчадаги гўзаллик ички дунёмизнинг кўзгуси бўлиши лозим.

“Telegram”да нотаниш одам сизга “Меҳмонхона менежерига ёзмоқчи эдим, рақамни адаштирибман”, деб ёзади. Узр сўрайди, кейин эса дўстлашишни таклиф қилади…



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

ОГОҲЛИК

“АДАШИБ ЁЗИБМАН”, ДЕГАН ЁЗУВ ОРТИДА ЁВУЗ НИЯТ БОРЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Суҳбат аввал саёҳат, дўстлик ва кундалик ҳаётдан бошланади. Кейинчалик эса “осон иш” ва катта даромад мавзусига бурилади.

Фирибгар аввал ишончингизга киради. Кейин даромадли “иш” таклиф қилади. TEMU номини тилга олиб, кунига 20-30 дақиқа телефонда ишлаш эвазига ойига 4-6 минг доллар ваъда қилади. Сўнг алоҳида сайтга рўйхатдан ўтишга ундайди. Машҳур компания номининг ишлатилиши таклиф расмий эканини исботламайди.

Асосий хавф белгиси — пул ишлаш учун сиздан олдин пул киритиш талаб қилади. Сайтдаги баланс ва комиссия рақамлари пулингизни ҳақиқатан қайтариб олишингизга кафолат бермайди.

Бундай вазиятда нотаниш одам юборган сайтга пул ўтказманг, махфий маълумотларни берманг. Таклифни компаниянинг мустақил топилган расмий канали орқали текширинг. Шубҳали аккаунт устидан шикоят юборинг ва уни қулфланг. Пул юборган бўлсангиз, ёзишмалар ва тўлов далилларини сақланг, банкингиз ёки фойдаланган тўлов хизматига тезда мурожаат қилинг.

Бир қарашда самимий танишув бўлиб кўринган суҳбат пулингизни олиш учун қурилган тузоқ бўлиши мумкин.

НИГОҲ

Кўчада юрибсиз. Атрофингиз одамлар билан гавжум. Лекин ҳар бирининг қўлида телефон. Ҳамма ўз дунёсига шўнғиб кетган. Сизнинг ҳам қўлингизда телефон, янгиликлар саҳифаларини варақлаб ёки ижтимоий тармоқлардаги чиқишларга кўз ташлаяпсиз.

Шоҳсанам НАЖМИДДИНОВА.

Ташқаридан қараганда, сиз ёлғиз эмассиз, лекин бир вақтнинг ўзида ёлғизсиз. Бу — замонавий ҳаётнинг парадокси: биз ҳаммамиз гўё бир-биримиз билан жуда боғланганмиз, лекин бир вақтнинг ўзида жуда ёлғизмиз.

Телефон экрани ортидаги ёлғизлик, бу — бизнинг замонавий ҳаётимизнинг яширин муаммоси. Дафтарчамизда юзлаб рақамлар, ижтимоий тармоқларда минглаб “дўстлар”, профилимизда юзлаб лайклар бор. Аммо одамлар ҳеч қачон ҳозиргидек ёлғиз ва руҳан бир-биридан узилмаган. Биз виртуал дунёда минглаб одамлар билан алоқадамиз, лекин ҳаётимизда энг оғир кунда дардлашгимиз келганида, гўшакни кўтарадиган ҳақиқий дардкаш тополмай сарсон бўламиз.

Илгари дўстлик йиллар давомида, умумий қийинчиликлар, жонли суҳбатлар ва бир-бирининг кўзига қараб туриб қилинган самимий дардлашишлар орқали шаклланарди. Бугун эса битта тугмани босиш ёки сурат тагига юракча қолдириш кифоя.

Барчамиз экран ортида ёлғизликка кўникяпмиз...



Экран бизни ўзганинг дардини ҳис қилиш туйғусидан маҳрум этмоқда. Бирор яқинимизнинг бошига иш тушса ёки қайғули хабар эшитсак, бориб бағримизга босиш, қўлини тутиб далда бериш ўрнига, телефонда қисқагина сўзларни жўнатиб қўя қоламиз. Муносабатларимиз шу қадар юзаки тус олдики, виртуал дўстимизнинг “профили” ўчиб кетса, унинг ҳаётда бор-йўқлигини ҳам сезмай қоламиз.

Инсонга инсон керак. Экранимизни ўчириб, атрофга қараш вақти келди. Бизга минглаб рақамли кузатувчилар эмас, сукут сақлаганингда ҳам ичингдагини тушунадиган битта ҳақиқий инсон зарур. Маданиятимиз ва инсонийлигимиз экран тугмалари орасида йўқолиб кетмаслиги учун яқинларимизни бориб кўришимиз ва уларнинг дардини чин дилдан тинглашимиз шарт. Зеро, чин самимият қалбларда яшайди.

Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.

Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.

Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.

8 307 нусхада чоп этилди.

Буюртма №: Г-1120